Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 48 (20. 615) • 1990 йил 25 февраль, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

Китобча қилиб чиқарилди

КПСС Марказий Комитетининг партия Марказий Комитети 1990 йил февраль Пленуми маъқуллаган КПСС XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» сарлавҳали матни алоҳида китобча қилиб нашр этилди.

Сиёсий адабиёт нашриёти томонидан чиқарилган китобча «Красний пролетарий» босмахонасида босилди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 22 февраль куни бўлган мажлисида КПСС янги Уставининг партия ташкилотлари, коммунистлар ва партиясизлардан тушган таклифлар асосида ҳамда КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси қоидаларига биноан тайёрланган лойиҳаси муҳокама қилинди.

Сиёсий бюро кенг ва изчил муҳокама қилиш натижасида КПСС Устави лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқишни ва уни Марказий Комитет Пленуми муҳокамасига тақдим этишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Мажлисда КПСС XXVIII съездини чақириш билан боғлиқ, шу жумладан съездга вакиллик нормаси, делегатлар сайлаш тартиби тўғрисидаги, партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди. Ушбу масалаларга доир тегишли таклифлар ҳам Марказий Комитет Пленумида кўриб чиқилади.

Сиёсий бюро Марказий Комитетнинг 1990 йил февраль Пленуми якунлари билан боғлиқ тадбирларни кўриб чиқди. Бу тадбирларни марказда ва жойларда амалга ошириш зарур. Ҳозирги вақтда сиёсий ва ташкилотчилик ишларида энг муҳими КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини, съездолди бошқа ҳужжатларини ҳар томонлама муҳокама қилишни авж олдириш, партияни тубдан янгилаш ва қайта қуриш вазифаларини амалга ошириш учун жамиятдаги соғлом кучларни жипслаштириш мақсадида съездга тайёргарликдан зўр ғайрат билан фойдаланишдан иборат эканлиги таъкидланди. Барча йўналишларда амалий натижаларга эришиш, бошланғич партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари фаоллигини ошириш зарур.

КУЧ-ҒАЙРАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ— ҚАЙТА ҚУРИШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ГАРОВИ

24 февраль куни Тошкентдаги В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройига СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий Советларнинг халқ депутатлари, корхоналар ва муассасалар, партия ташкилотлари, маҳалла ва уй-жой комитетлари, ўқув юртларининг вакиллари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари келишди.

Кенгашни Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди. (Доклад газетанинг бугунги сонида эълон қилинмоқда).

Докладни муҳокама қилишда маҳалла комитетлари ишини мувофиқлаштириб турувчи шаҳар кенгашининг раиси, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директори Қ. Ф. Фозилхўжаев, 9-туғруқхона гинеколог врачи С. Н. Дудина, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари Р. Абдуқодиров, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қўлёзмалар институтининг директори А. П. Қаюмов, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети партия комитетининг секретари Р. Ҳ. Набиулин, Тошкент шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг милиционери К. С. Азизов, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси А. Юсупов иштирок этдилар.

Қайта қуриш кенг жамоатчиликни ҳаракатга келтирди, деб таъкидлашди нотиқлар. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур ислоҳотларнинг осон кўчмаётган жараёни бормоқда. Хўжалик ташаббуси ва омилкорлик учун кенг майдон очилмоқда, барча халқлар, республикалар ва регионларнинг чинакам мустақиллиги учун кафолатлар пайдо бўляпти. Одамлар янгиланиш бўлишини истайдилар, яхши меҳнат қилишни ва шунга яраша яхши яшашни истайдилар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ҳозир умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган, бу дастур совет жамиятини демократиялашнинг янги имкониятларини очади.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, шунингдек маҳаллий Советлар депутатларига куни кеча бўлиб ўтган сайлов бунга бир мисол бўлиб хизмат қила олади. Мураккаб шароит, ижтимоий ҳаётдаги жўн бўлмаган муҳитга қарамай, сайлов бутун республикада уюшқоқлик билан, омманинг юксак гражданлик фаоллиги руҳида ўтди. Сайловда сайловчиларнинг 90 фоизидан кўпроғи иштирок этганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Натижада ҳокимиятнинг барча органлари, яъни Ўзбекистон ССР Олий Советидан то қишлоқ Советигача ҳамма ана шундай органлар асосан шакллантирилди.

Кенгашнинг вазифаси эса ҳозир, сайловдан кейиноқ Тошкентдагина эмас, бутун республикада, бутун мамлакатда барчани ҳаяжонга солиб турган, одамларни безовта қилаётган ҳаётий, жуда долзарб масалаларни яна бир карра муҳокама қилишдан иборат. Бу ўринда гап аввало ҳар бир депутатга ва бутун Совет ҳокимиятига халқ томонидан берилган бош наказнинг сиёсий мазмуни, маънавий, умуминсоний моҳияти ҳақида: интизом ва тартибни таъминлаш, ижтимоий ва миллий мансублигидан қатъи назар одамларнинг — қайси регионда, қайси шаҳар ёки қишлоқда яшаётганидан қатъи назар ҳар бир кишининг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида бормоқда.

Шу нарса маълумки, жамиятга қарши, жиноятчи унсурлар бизни миллатлараро мухолифлик, ўзбошимчалик ва тартибсизлик йўлига итариб юборишга уринмоқдалар. Бу қандай оқибатларга олиб келишини Кавказорти, Фарғона, Душанбе, бошқа регионлардаги воқеалар кўрсатиб турибди. Жўн бўлмаган муаммоларни митинглар ва иш ташлашлар йўли билан эмас, балки амалий ишчан ёндашувлар асосида ҳал этиш мумкин ва керак. Ғаламислар ва жиноятчиларга кескин зарба бериш, қайта қуришни улардан ҳимоя қилиш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни бирлаштириш зарур.

Халқ ҳокимияти органлари бўлган Советлар ҳамда халқнинг хоҳиш-иродаси билан сайланган ва унинг ваколатли намояндаси бўлган ҳар бир депутат меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари, ташвишлари ва манфаатларига ҳамиша ҳамнафас бўлиб яшасагина ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани муваффақият билан адо этиши мумкин. Агар кенгроқ маънода оладиган бўлсак, бу ўринда гап кучларни бирлаштириш, партия, совет, давлат органларининг аҳоли билан, гражданларнинг барча жамоатчилик тузилмалари ва уюшмалари билан мустаҳкам алоқаси тўғрисида бормоқда. Яъни, муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астойдил ёрдам беришни истаётган, ўзаро ғанимлик, ёвузлик ва зўравонликка қарши чиқаётган барча кишилар билан ана шундай алоқа қилиш тўғрисида боряпти.

Халқ депутатлари шуни ҳаммадан кўра яхшироқ уқиб олишлари керакки, агар бизнинг ўзимиз ўз хонадонимизда тартиб ва интизом ўрнатмасак — бунинг учун эса СССР Олий Совети яқинда қабул қилган Баёнотни ҳисобга оладиган бўлсак Советларда барча асослар, барча қонуний ва ҳуқуқий имкониятлар бор — у ҳолда ўша депутатларимиз халқ ишончидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўла олмайдилар.

Ҳозир республика ҳал қилувчи маррададир. Одамлар нормал яшашни истамоқдалар, вазиятни барқарорлаштириш, ҳар бир кишининг хавфсизлигига кафолат бўладиган жамоат тартиби ўрнатиш тарафдоридирлар. Шу яқин орада бунга эришиш учун имкони бўлган барча ишларни қилиш — барча халқ депутатларининг муқаддас бурчидир.

Кенгаш қатнашчилари республика аҳолисига мурожаатнома қабул қилдилар. Ўткир иқтисодий, ижтимоий, экологик муаммоларни ва бошқа муаммоларни, деб таъкидланади мурожаатномада, ишга астойдил киришиб миллатлараро муносабатларни, ҳуқуқ-тартиботни ва интизомни мустаҳкамлаш йўли билангина ҳал этиш мумкин.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СССР Министрлар Советида

СССР Олий Совети 1990 йил 20 февралдаги ўз Баёнотида СССР ҳукумати, жойлардаги халқ депутатлари Советлари зиммасига 25 февраль кунига белгиланган намойишлар ва митингларни ўтказиш чоғида ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш учун барча зарур чораларни кўриш вазифасини юклади.

СССР Министрлар Совети мамлакатда вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятга баҳо бериб, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига митинглар ва намойишларни ўтказиш тартибига қатъий риоя этилиши учун зарур чоралар кўришни топширди. Экстремист ва жиноятчи унсурларнинг оммавий митинглар ва юришлардан тартибсизлик чиқариш учун фойдаланишга ҳар қандай уринишларининг олдини олишга алоҳида эътибор берилди. Жойлардаги ҳокимият ижроия органларига ижозат берилган митинглар, уларни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида, шунингдек митинглар, намойишлар ва юришлар ташкилотчиларининг бу тадбирлар ўтказилаётганида тартибга қатъий риоя этилиши учун жавобгар эканликлари тўғрисида гражданларни хабардор этиш топширилди.

СССР Министрлар Совети бу қарорни қабул этар экан, мамлакат Конституциясига амал қилади, миллати ва қаерда яшашидан қатъи назар совет гражданларининг ҳаёти, ор-номуси ва қадр-қимматини муҳофаза этиш зарурлигига, уйжойнинг дахлсизлигини таъминлаш, корхоналар ва ташкилотларнинг мулкини ҳимоя қилиш зарурлигига асосланади.

Мамлакат ҳукумати барча гражданларга, корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат коллективларига мурожаат этиб, сабр-тоқатли, ақл-идроклли бўлишга ва масъулиятни ҳис этишга, ҳис-туйғулар ва иғвогарликларга берилмасликка, жамоатчиликка қарши, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларга фаол қарши туришга даъват этади.

Ҳозир энг асосий вазифа — ижтимоий осойишталикни ўйлаб барча тараққийпарвар кучларни бирлаштиришдан, мамлакатнинг нормал меҳнат маромини таъминлашдан иборатдир.

И. А. КАРИМОВ доклади

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизлар билан биз ташвишли, кескин ва ниҳоятда масъулиятли бир пайтда, ҳаётимизда бурилиш қилинаётган белгиловчи маррада йиғилдик. Ўтган якшанбада Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва республика халқ депутатларининг маҳаллий Советларига сайлов бўлиб ўтди. Илгари ҳеч қачон сайловлар мана шундай мураккаб, қизғин вазиятда ўтмаган эди, десак хато бўлмайди. Одамлар ҳам илгари ҳеч қачон ўзларининг шу қадар кўп ташвиш ва умидларини, талаб ва орзуларини сайлов билан боғлашмаган эди.

Қайта қуриш меҳнаткашларнинг жуда кенг қатламларини — ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар, зиёлиларни фаол сиёсий турмушга уйғотди. Демократия халққа ўзининг чинакам хоҳиш-иродасини изҳор этиши учун шарт-шароитларни таъминлади. 18 февраль сайлов куни республикада сайловчиларнинг 90 фоиздан кўпроғи қатнашди. Айрим округларда Қонунга мувофиқ такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишига қарамай, барча идоралар — Ўзбекистон ССР Олий Советидан тортиб қишлоқ Советларигача асосан тузилди. Яқин кунлар ичида улар бутун ҳокимиятни ўз қўлларига олиб, юксак ва ниҳоятда масъулиятли вазифаларни бажаришга киришишлари керак.

Улар янги шароитда, янги ижтимоий-сиёсий вазиятда ишга киришадилар. Ўзларингизга маълумки, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми, Марказий Комитетнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси КПСС ва бутун жамият ҳаётида янги босқични белгилаб берди. Бу лойиҳани февраль Пленуми маъқуллади ва уни умумпартия, умумхалқ муҳокамасига қўйди.

Мазкур кенгашнинг мақсади ва моҳияти шундан иборатки, сайлов якунлари бўйича дарҳол ҳаммамиз — турли поғоналардаги Советларнинг депутатлари Тошкентда ва областдагина эмас, шу билан бирга бутун республикада, бутун мамлакатда одамларни қизиқтириб, ташвишга солаётган, сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган ғоят муҳим, энг долзарб масалалар хусусида яна бир марта маслаҳатлашиб олишимиз керак. Бугун мен илтимос қилардимки, ким қайси лавозимда, вазифада бўлишидан қатъи назар, уларга қандай талаблар, танқидлар, норозиликлар бўлса, ҳаммасини очиқ айтиш керак. Бугунги ҳокимият, раҳбарият олиб бораётган сиёсат тўғрисида кимда қандай фикр бор: ёқадими у бизларга, йўқми, айтишни илтимос қилардим.

Депутатликка ҳар бир номзод у қайси Советда овозга қўйилган бўлишидан қатъи назар, сайловчилар билан ўтказилган бир қанча учрашувлар ва суҳбатларда унга кўпдан-кўп наказлар берилди, ғоят хилма-хил илтимослар истаклар, **боринг-ки,** талаблар айтилди. Депутатликка ҳар бир номзод ҳам ана шу наказларни бажариш, ўз округидаги, мазкур жойдаги бирон-бир етилган масалани ҳал этиш учун қўлимдан келган ҳамма ишларни қиламан, деб ваъдалар берди, зиммасига мажбуриятлар олди. Уй-жой ёки йўл, мактаб ёки касалхона, болалар боғчаси ёки магазин қурилиши бўлмасин, одамлар бизга топширган аниқ-равшан муаммоларнинг ҳаммаси ҳал бўлишини таъминлаш — ўз сайловчиларимиз олдидаги, бутун халқ олдидаги бурчимиз, муқаддас вазифамиз, ғоят юксак даражадаги масъулиятимиздир.

Аммо бугун, биз ҳар биримизга сайловчилар нимани аниқ қилиб айтганини яна бир марта эслатиб қўйиш учун йиғилганимиз йўқ. Такрор айтаманки, буни ҳар бир депутат, ҳар бир Совет ўзининг амалий фаолиятида ҳал қилади.

(Давоми иккинчи бетда).

БЎШ ҚОЗОН АТРОФИДА

СССР Олий Совети жойлашган бинодан юз қадам масофада, ўша Калинин проспектида сатирик «Қайта қуриш ойнаси» ҳар куни йўловчиларнинг диққат-марказида бўлади. Парламентнинг қишлоқ хўжалик масалалари ва озиқ-овқат комитети мажлисидан кейин беихтиёр ўша «Қайта қуриш ойнаси»даги сюжетлардан бирини эсладим. Унда «Озиқ-овқат программаси» сўзлари ёзилган бўш қозон атрофида амалдорлар айланиб рақс тушишмоқда эди. Парламент комитетининг 22 февралдаги мажлиси бу йил қишлоқни моддий-техника билан таъминлашнинг аҳволи тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сен ўзинг қозонга нима солдинг — плакат тахминан ана шундай савол берарди. Аграр соҳадан сайланган депутатлар ҳам Министрлар Советининг «турдош» давлат комиссияси, Госснаб, Госплан, Автомобиль ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Медицина саноати министрлиги, Иттифоқ агрохимия уюшмасидаги «масъул ўртоқларга», бир қанча машинасозлик корхоналарининг раҳбарларига худди шундай савол бердилар. Ўз вақтида қишлоқ хўжалик комитети бу йилги давлат планини тузиш чоғида қишлоққа маҳсулот етказиб бериш юзасидан белгиланган даражадан қониқмай, идораларга тегишли топшириқларни берган эди. Ўшанда аграр ходимларнинг эҳтиёжлари тўла ҳажмда қондирилади, деб ваъда қилган эдилар. Мана баҳор эшик қоқмоқда, иш эса ҳали жойидан силжигани йўқ.

Мажлисда деярли ҳар бир нутқда материаллар, техника ва машина-ускуналар етказиб бериш топшириқлари барбод этилаётганидан далолат берувчи рақамлар келтирилди. Нотиқлар кўпинча фақат ўзларига тааллуқли статистика маълумотларини келтириб, ўз ишончларига кўра салмоқли далилларни келтирган бўлсалар ҳам бундан умумий манзара ўзгариб, қувончлироқ тус олмади.

Планлаштирувчи органларнинг яроқсиз иш усуллари яна намоён бўлди. Бу ҳақда парламент аъзолари биринчи марта гапираётганлари йўқ. Ўлгуржи савдо ва бевосита алоқата ўтишдаги нуқсонлар қишлоқ хўжалик машинасозлигига оғир таъсир қилмоқда. Бу тармоқ чуқур тангликка тушиб қолди, дейишди муҳокама қатнашчилари, бу ҳолатдан чиқиш йўлини шошилинч излаш керак. Материалларни (биринчи навбатда металлни) етарли миқдорда етказиб бермаслик қишлоқ учун машиналар ва ускуналар ишлаб чиқаришни барбод қилмоқда. Ҳар қачонгидан ҳам камчил бўлиб қолган эҳтиёт қисмларга келганда эса бу соҳада ким айбдорлигини умуман топиб бўлмайди.

Баҳслар қанчалик жўшқин бўлмасин, улар узил-кесил қарор қабул қилиш билан ниҳоясига етмади. Мунозара давомида айтилган таклифларни, жумладан қишлоқнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжларини қондириш учун дарҳол ресурслар юбориш тўғрисидаги талабларни умумлаштириш қишлоқ хўжалик машинасозлиги кичик комитетига топширилди. Депутатлар ўз фикрларини келгуси ҳафтада СССР Министрлар Советига етказишни зарур деб топдилар.

А. ДЗЮБЛО,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

СССР, Ўзбекистон ССР, Тошкент шаҳридаги маҳаллий Советлар халқ депутатларининг, маҳаллалар ва сайловчилар жамоатчилигининг республика аҳолисига МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар!

Республикамиз, бутун мамлакат қийин даврни бошидан кечирмоқда. Революцион қайта қуриш барча меҳнаткашларда сиёсий турмушда фаолликни қўзғатди, кенг ижтимоий кучларни ҳаракатга келтирди.

Ўтмишни танқидий идрок этиш давом этмоқда, барча эски, умри тугаган нарсаларни, инсонни камситадиган, унинг яхши меҳнат қилишига ва хизматига яраша яхши яшашга халақит берадиган ҳамма нарса улоқтириб ташланмоқда. Сиёсий ва иқтисодий системаларни тубдан ислоҳ қилиш, миллий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда туб ислоҳотлар ўтказиш каби қийин жараёнлар давом этмоқда. Бу ислоҳотларни ўтказишдан мақсад ҳар бир меҳнатчи ва коллективнинг хўжалик соҳасидаги ташаббуси ва омилкорлигига йўл очиб беришдан, барча халқлар, ҳамма республикалар ва регионларнинг чинакам мустақиллигига кафолатни вужудга келтиришдан иборат.

КПСС Марказий Комитетининг умумпартия, умумхалқ муҳокамасига қўйилган партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури бунинг учун янги имкониятлар очиб беради. СССР халқ депутатларининг съездларида, мамлакат Олий Советининг сессияларида жамиятимизнинг янги — инсонпарвар ва демократик қиёфасини белгилаб берадиган муҳим қонунлар муҳокама қилинмоқда.

Қайта қуриш қийинчиликларсиз ва зиддиятларсиз ўтмайди. Турли иҳтимоий табақалар ва гуруҳларнинг, миллий муддаоларнинг қаттиқ тўқнашуви юз бермоқда, миллатлараро муносабатларда чигалликлар вужудга келмоқда. Тўпланиб қолган, кўп жиҳатдан қийин муаммоларнинг ечимини фақат қонунийлик, демократия ва ошкоралик йўлидагина излаб топиш мумкин. Бунинг учун бошқа усулнинг ўзи йўқ. Бошқа йўл — анархия ва бошбошдоқлик, муҳолифлик ва бузғунчилик бўлиб, бундан ҳеч ким наф кўрмайди, аммо ҳамма ютқазади.

Жамиятга қарши, жиноятчи шахслар бизни ана шундай ҳалокатли йўлга итаришга уринмоқдалар. Улар миллий туйғулардан, қайта қуришнинг қийинчиликлари ва мураккабликларидан ўз ғаразли мақсадларини кўзлаб фойдаланиб, ғаламислик мақсадлари йўлида демократия ва ошкораликдан фойдаланиб, партияга, армияга, совет тузумига туҳмат ва бўҳтонлар ёғдирмоқдалар. Тартибсизликлар, ур-йиқитлар, зўравонлик қилишни келтириб чиқаришга уринмоқдалар. Кавказортидаги, Фарғона ва Душанбедаги, бошқа регионлардаги фожиали воқеалар ўзларини халқ ва озодлик учун курашчи қилиб кўрсатишга уринаётган кишиларнинг ниқобини йиртиб ташлади, уларнинг ҳақиқий башарасини кўрсатди. Улар ўзларини панага олиб, зимдан ҳаракат қилиб, чиниқмаган ёшларни ур-йиқит ва жиноят қилишга ундамоқдалар, фарзандларимизнинг тақдирини ва қалбини мажруҳ қилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг мамлакат меҳнаткашларига мурожаатномасида жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, биз ҳар қандай сафсатабозлар ва сиёсатбозларнинг демократияга зид, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларига, уларнинг миллий нифоқни, иҳтимоий душманликни авж олдиришларига, жамиятда жаҳолат ва шафқатсизликни, ташвиш ва ишончсизликни вужудга келтиришга уринишларига тоқат қила олмаймиз ва тоқат қилмаслигимиз керак.

Биз — депутатлармиз. Республика меҳнаткашлари — ишчилар ва деҳқонлар, хизматчилар ва зиёлилар, ветеранлар ва ёшлар, Ўзбекистонда яшовчи барча миллатлар ва элаталарга мансуб кишилар бизни сайлаб бу билан бизга ишонч билдирдилар, катта ваколатлар ва ҳокимиятни бердилар. Лекин шу билан бир вақтда зиммамизга республика тақдири учун, шаҳарларимиз ва қишлоқларимизда тинчлик ва осойишталик бўлиши учун, одамларнинг хавфсизлиги, ҳар бир кишининг қадр-қиммати ва шани учун юксак масъулиятни ҳам юкладилар.

Халқ бизга берган асосий наказ — тартибсизликларга, одамларнинг нобуд бўлишига ва вайронгарчиликларга йўл қўймасликдан, интизом ва жамоат осойишталигини таъминлашдан, сиёсий ғаламисларнинг, порага учган жиноий кучларнинг фарзандларимиз тақдири билан ўйнашишига йўл қўймасликдан иборат.

Бу эса зиммамизга демократия билан митинг сафсатабозлигини, ошкоралик билан туҳматни, эркинлик билан анархияни аниқ фарқлай билиш вазифасини юклайди. Биз одамларнинг фаоллигини ва ғайратини бунёдкорлик йўлига солишимиз керак. Биз СССР Олий Совети Баёнотига мувофиқ, қайта қуришни ҳимоя қилиш учун, асрий инсоний қадриятларимиз — дўстлик, яхши қўшничилик меҳмондўстлик ва эзгуликни асраб қолиш учун халқ бизга берган ҳокимиятдан фойдаланишимиз шарт. Мамлакатимиздаги бошқа халқлар каби ўзбек халқи ҳам азалдан ана шундай фазилатлари билан ном чиқарган.

Республикада мураккаб муаммолар кўп, халқимизнинг катта бунёдкорлик ишлари кўп. Биз республикамизни иқтисодий ва ижтимоий қолоқликдан чиқариб, аҳоли барча табақаларининг турмуш даражасини оширишимиз, миллионлаб одамларни иш билан ва нормал иш ҳақи билан таъминлашимиз, ўткир экология муаммоларини ҳал қилишимиз, ёшларимизнинг таълим олиши, маънавий ва жисмоний камол топиши учун шароит яратишимиз, халқимизнинг ажойиб маданий анъаналарини мустаҳкамлашимиз ва кўпайтиришимиз лозим. Республиканинг иқтисодий мустақиллигига, ўзини ўзи бошқариши ва ўз ҳаражатларини ўзи қоплашига қаратилган тадбирлар изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш зарур. Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди дастурида ана шу ва бошқа вазифалар аниқ белгилаб берилган бўлиб, уларни ҳар биримиз ўз шахсий сайловолди программаларимизга асос қилиб олганмиз.

Бу дастурни бажариш учун ҳозирнинг ўзидаёқ жуда кўп иш қилинмоқда. Пахта учун қўшимча ҳақ ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ана шу ва бошқа харид нархларини ошириш юзисидан қатъият билан олиб борилаётган ишлар, қишлоқ меҳнатчилари шахсий ёрдамчи хўжаликларини юритишлари ва якка тартибда уй қуришлари учун уларни кенгайтирилган томорқа участкалари билан таъминлаш, кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронлар ва пенсионерларга ёрдам, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари ва бемор ҳомиладор аёлларга бепул овқат, ётоқхоналар етишмаслиги сабабли шахсий квартираларда яшашга мажбур бўлган студентларга квартира ҳақининг бир қисмини тўлаш, шаҳар ва қишлоқларни, жумладан, Тошкентни ижтимоий жиҳатдан қайта қуриш, истеъдодли ёшларимизни ўқиш учун мамлакатнинг энг яхши олий ўқув юртларига ва илмий марказларига юбориш, ўзбек тилига давлат мақомини бериш ва халқнинг севимли «Наврўз» байрамини тиклаш ана шулар жумласидандир.

Лекин булар дастлабки қадамлар, холос. Олдинда катта ва кенг миқёсли ишлар турибди. Бу ишларни муваффақиятли бажариш учун бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистон меҳнаткашларига ҳам осойишталик ва тартиб, интизом ва уюшқоқлик зарур. Ана шу осойишталик ва тартибни, интизом ва уюшқоқликни таъминлаш бизнинг энг асосий бурчимиз ва жуда муҳим вазифамиздир.

Биз барча халқ депутатларини, барча партия, совет, давлат идораларини, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатларини, республиканинг барча соғлом кучларини, республиканинг бутун аҳолисини қонунга қатъий риоя этишга, иғвогарлар ва жиноятчиларга қатъиян зарба беришга, қайта қуришни улардан ҳимоя қилишга, ҳар бир фуқаронинг хавфсизлигини таъминлашга, интизом ва жамоат тартибини мустаҳкамлашга, тинч меҳнат ва тинч ҳаётни таъминлашга даъват этамиз, тинч турмушни ва Ўзбекистонда яшовчи барча кишиларнинг фаровонлигини таъминлаш учун ҳамма ишни қилишга чақирамиз.

СССР Министрлар Советида

СССР Министрлар Совети 1990 йил 11 март якшанба — дам олиш кунини 9 март жума кунига кўчиришга қарор қилди.

Область партия комитетининг пленуми

Самарқандда область партия комитетининг пленуми бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди.

КПСС Марказий Комитети аппаратига ишга ўтганлиги муносабати билан Ю. С. Васильев область партия комитетининг иккинчи секретари вазифасидан озод қилинди.

Илгари республика Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган В. А. Плотников яшириН овоз бериш йўли билан Самарқанд область партия комитетининг иккинчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум 1990 йил май ойида область партия конференциясини чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Пленумда Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдураҳмонов нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин иштирок этди.

(ЎзТАГ).

И. А. КАРИМОВ доклади

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Гап шу ҳақда боряптики, биргаликда йиғилишиб, сайловчиларимизни бутун халқни ҳаммадан кўпроқ нима ҳаяжонга солаётганини, нималар ташвишлантираётганини ҳамжиҳатлик билан аниқлаб, уни ҳар бир кишининг онгига етказиш керак. Марказда ҳам, жойларда ҳам ҳар бир депутатга ва бутун Совет ҳокимиятига халқ берган асосий наказнинг сиёсий мазмуни ҳақида, унинг ахлоқий, умуминсоний моҳияти тўғрисида гап боряпти.

Ўртоқлар!

Қайси бир китобда гоят ибратли ривоятни ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли, Темурга қуролларини топширар экан, қуйидаги гапларни айтибди: — Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг — бизга бахт ато эт! •

Бу ривоятнинг синфий, тарихий йўналиши айни чоғда бизни қизиқтираётгани йўқ. Бу ҳикоятда ажойиб бир ҳикмат барқ уриб турибди. **Яъни, элга пешвоман деб, ўртага чиқдингми,** унинг ишончини қозондингми — бу ишончни энди асл виждон билан, покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади. Бу талабни эскичасига айтсами, янгичасигами — барибир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади. **Яъни халқ вакили халқнинг посбони, халқ раҳбари бўлиб халқнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлғувчи сирдошига айланиши шарт.**

Ҳозирги вазиятда бундай талаб айниқса муҳим бўлиб, кишини ҳаяжонга солади. Воқеалар тезлик билан ўзгараётганини, деярли ҳар нарсада кескинлик кучайиб бораётганини, турли миллатларнинг вакиллари ўртасида ўзаро муносабатлар ўткирлашиб кетаётганини ҳаммамиз сезиб турибмиз. Ҳар хил ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро шубҳа-гумони ва бир-бирини асоссиз равишда айблашлари ортиб бораётганини, одамлар тошбағир бўлиб қолаётганини ҳам кўриб турибмиз. Олдин одамлар «яшаш қийин бўлиб қолди» деса, ҳозирги ҳаётда **«яшаш даҳшатли бўлиб қолди» деган ибора пайдо бўлганига кўз юмиб бўлмайди.**

Шу боисдан бугунги мақсад одамларни ташвишлантираётган энг асосий масалалар ҳақида айни мана шундай кенг доирада, мана шундай нуфузли анжуманда рўй-рост гаплашиб олиш: **нималар содир бўляпти, биз қаёққа қараб кетяпмиз, деган ҳаяжонлантирувчи саволларга жавоб қайтаришимиз ниҳоятда зарурдир. Вазиятни юмшатиш ва барқарорлаштириш, ҳаётнирлик ва кескинликка барҳам бериш, ҳар бир кишида ўз оиласининг бугунги куни ва келажагига ишонч уйғотиш учун биз олий ваколатлар бериб қўйилган ва юксак масъулиятли халқ депутатлари нималар қилишимиз кераклигини белгилаб олишимиз зарур.**

Энг аввало, ўзимизга шундай бир савол беришимиз керак: ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон, оила бошлиғи ҳокимиятдан, яъни Совет ҳокимиятидан нимани кутяпти?

Барча замонларга ва халқларга хос бўлган энг асосий, энг муҳим, энг умумий мақсадни аниқлайдиган бўлсак, шуни тўла асос билан айтиш мумкинки, давлат пайдо бўлган пайтдан буён, инсон ўзининг хавфсизлигини ҳимоя қилишни, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланишини давлатдан кутади, ҳокимиятдан нажот излайди. Ҳокимият шу табиий талабларга жавоб беролмаса, очиғини айтганда, бунақа ҳокимият ҳеч қимга керак бўлмайди.

Бизнинг социалистик давлатимиз, Совет ҳокимиятимиз, ахлоқий-сиёсий нормаларимиз ҳар бир фуқарога, ҳар бир инсонга унинг нормал ишлаши ва яшаши учун, ўз қобилиятларини намоён этиши учун, фарзандларини тарбиялаши ва ҳар томонлама камол топтириши учун шарт-шароитларни яратиш мажбуриятини юклайди.

Шунинг учун, бугун ҳар бир депутат, ўзининг юксак ва масъулиятли ваколатларини бажаришга киришар экан, ўзига шундай савол бериши керак: биз, ҳокимият намояндалари ва идоралари мана шу ҳавфсизликни, эркинликни, ана шу кафолатларни таъминлаяпмизми ёки йўқми? Агарда бу саволга ҳар қандай асоссиз сабабларни ниқоб қилмасдан, ҳалол жавоб қайтарадиган бўлсак, у ҳолда виждонан айтиш керакки, ҳокимият инсонга ана шу асосий ҳуқуқлар ва шарт-шароитларни таъминлаб бера олишга кун сайин тобора занфлик қилянти.

Бизнинг сайловчиларимиз, совет кишилари шундай бир ҳаққоний савол бермоқдалар: митингбозликдан иборат сафсатабозликлар ва оммавий тартибсизликлар, иқтисодий ва ижтимоий ағдар-тўнтарлар, миллатлараро жанжаллар ва ижтимоий можаролар, инсонларнинг қурбон бўлиши ва ур-йиқитлар **наҳотки қайта қуришнинг муқаррар йўлдошлари-ю камчиликлари бўлса? Жамиятимизни инқилобий тарзда янгилашдан иборат партия эълон қилган сиёсатдан халқ шуни кутганмиди, ахир!** Йўқ, буни кутмаган эди, албатта.

Бироқ Кавказортида, Фарғонада, Душанбеда, бошқа бир қанча регионларда, куни кеча Бўка районида рўй берган тартибсизликлар ҳаётимизда содир бўляпти-ю. Модомики шундай экан, агарки биз халқ вакиллари шундай фожиаларнинг олдини ололмас эканмиз, халқ қайта қуришни бошлай туриб, ҳокимиятга билдирган ишонч тезлик билан тугаб бораверади. Қайта қуриш одамлар орзу қилган нарсаларни, қайта қуришдан иборат ўзгартишлар йўлида уларга ваъда қилинган нарсаларни беришига тобора камроқ кишилар ишонмоқдалар. **Одамларнинг ишонч ва эътиборидан маҳрум бўлиш эса, ҳар қандай сиёсат учун ҳар қандай ҳокимият учун ҳалокатдир. Ҳамиша шундай бўлган, ҳаёт қонуни шундай!**

Одамлар бирон-бир талабэҳтиёжини — хоҳ гўшт ёки қанд-шакар, спиртли ичимлик ёки совун бўлмасин, шу нарсалар билан таъминлашдаги қийинчиликларни маълум бир вақтгача тушунишлари, бунга қаноат қилиб туришлари мумкин. Аммо улар ўзларининг хавфсизлигидан маҳрум бўлганликларини тушуна олмайдилар, бунга тоқат қила олмайдилар. Оиланинг, фарзандларнинг, яқин кишиларининг ҳаёти ва соғлиғи, уй-жойнинг дахлсизлиги ва сақланишига, неча ўн йиллар мобайнидаги меҳнат туфайли орттирилган бисотнинг бус-бутун қолишига ҳеч нарса кафолат бермаса, безори, экстремист гуруҳларнинг тазйиқи остида вайрон бўлса, маъмурлар инсон шахси ва ҳаётининг ўзи дахлсизлигини таъминлашмаса буни биронта ҳам софдил, виждонли киши қабул қилмайди ва қабул қилиши ҳам мумкин эмас.

Ҳозир асаби заиф баъзи кимсалар ифвогарликдан иборат миш-мишларга беришиб, ваҳимага тушмоқдалар, ҳаддидан ошишга бориб етмоқдалар, қандайдир фавқулодда ҳолат эълон қилишни, Тошкентга, область шаҳарлари ва районларига солдатлар киритишни таклиф этмоқдалар. Шундай ваҳимали кайфиятдаги кишилар ҳам борки, улар ҳар бир уй ва квартира олдида қўлига автомат тутган ҳарбий хизматчи навбатчилик қилиб туришини истайди.

Бу хусусда нима дейиш мумкин? Ҳар қандай ҳокимият қонунни, тартибни, инсонларча яшаш нормаларини ҳурмат қилиб, уларга бўйсунишга ҳар бир ғаламисни мажбур этиш учун кучга эга бўлган тақдирдагина уни ҳокимият деса бўлади, албатта. **Сиз, азиз ўртоқларни ишонтириб айтишим мумкинки, тартибсизликлар ва ур-йиқитларга йўл қўймаслик учун етарли кучимиз бор.**

Аммо соғлом фикрловчи ҳар бир кишига, аниқса одамларнинг ишончига сазовор бўлган ва катта ваколатлар бериб қўйилган депутатларга шу нарса равшан бўлиши керакки, ўз халқини солдатлар паноҳида автоматлар ўқталиб туриб, бошқариш мумкин эмас. Бундай қилиш ғирт нодонликдир. Биз ўз фаолиятимизда шуни яхши тушунишимиз керак, кўчаларда, қишлоқларда, шаҳарларда тартиббузарлар ҳам, ўзимиздан чиққан шахслар, одамлар бўлади. Биз улар билан бирга яшашимиз, етилган барча муаммоларни улар билан бирга ҳал қилишимиз керак. Демак, биз ташаббусни ўз қўлимизга олишимиз, оммаларнинг ғайрат-шижоатини бунёдкорлик йўлига буриб юборишимиз, одамларни ҳуқуқ ва зид ҳатти-ҳаракатлардан тўхтатиб қолишимиз лозим. Бу бизнинг энг биринчи ва жуда масъулиятли бурчимиздир, чунки халқ ҳокимиятни бизга ишониб топширди, бизни депутат қилиб сайлади.

Ана шу вазифалар ва муаммоларни бир ерга жамлаб, бугун ишимизни тўғри ташкил этиш, фаолиятимизнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш учун авваламбор қандай ишларга эътибор беришимиз зарур?

Биринчидан. Халқ ҳокимияти органлари бўлмиш Советлар, халқ сайлаб қўйган ва тўла ҳуқуқли вакил бўлмиш ҳар бир депутат доимо, ҳар куни ва ҳар соатда меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари, ташвиш ва манфаатлари билан яшаган, ўзларининг барча ишлари ва режаларида халқ билан, ҳар бир шаҳар ва районда, қишлоқда, корхона ва хўжаликда, меҳнат коллективи ва ҳар бир маҳаллада аҳолининг барча қатламлари билан бир жон-бир тан бўлиб чамбарчас боғланган тақдирдагина ўзларининг масъулиятли бурчини муваффақиятли бажариб, ўз олдидаги катта вазифаларни уддалай олади.

Гап кучларни жипслаштириш тўғрисида, партия, совет, давлат идораларининг аҳоли билан, барча жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг уюшмалари билан, такрор айтаманки, қонунни бузмаётган, муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астойдил кўмаклашишни истаётганларнинг ҳаммаси билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклиги тўғрисида боряпти. Ўзаро душманликка, ёвузлик ва зўравонликка, ҳар қандай белгиларга қараб инсон ҳуқуқлари камситилишига қарши курашаётганларнинг ҳаммаси билан бир сафда туриб иш кўриш кераклиги тўғрисида гап боряпти. Бу ерда биз ҳаммамиз меҳнат коллективларининг вакиллари билан, касаба уюшмалари ва ёшлар жамоатчилиги билан ҳамкорлик қилишнинг янги шаклларини топишимиз керак.

Дарҳақиқат, бундан буён ҳамкорлик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ўрнини қарама-қаршилик, душманлик, ўзаро қаҳр-ғазаб эгаллашига йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ. Бизнинг бундан буёнги ҳаётимиз қандай таркиб топишидан қатъи назар, ҳар ҳолда авваламбор интизом ва қаттиқ тартиб бўлиши керак, шундан кейингина унинг асосида бошқа ҳамма нарсаларга эришиш мумкин.

Агар биз, халқ шундай ваколатлар ва ҳуқуқлар бериб қўйган кишилар, тартиб ўрнатмас эканмиз, халқимиз ўзи тартиб ўрнатишга киришишидан бошқа илож қолмайди. Жуда кўп жойларда, асосан кўп раҳбарлар халқимиз тўғрисида гапирганда, халқимиз жуда оғир, жуда ювош, қўйдай мулойим деб кўп фикр юритади. Шуларга қарата айтиш керакки, агар халқимиз ғазабланса, у ўзининг жуда ҳам ювош эмаслигини билдиради, албатта. Улуғ шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон бежиз ёзмаган экан:

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир.
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ қўзғалса, куч йўқдир, ким тўхтатсин,
Қувват йўқ, ким халқ истагин йўқ этсин.

Иккинчидан. Республикада одамларнинг ҳаёт таъминоти муаммолари йиғилиб қолди ва улар ниҳоятда ўткир тус олди. Инсон ҳокимиятдан кутаётган иккинчи бир нарса бор, у ҳам бўлса ишлаб чиқариш ва тақсимот шундай ташкил этилиши керакки, ҳар бир одам ишга, уй-жойига эга бўлиши, озиқ-овқат, кийим-кечак, нормал турмуш ва дам олиш, фарзандларни тарбиялаш учун маблағ ишлаб топа оладиган бўлсин, агар барча наказларнинг иккинчи туркумини умумлаштирадиган бўлсак, улар айни мана шунга келиб тақалади: ниҳоят, магазинларда инсоннинг яшаши учун зарур нарсалар туриши, ҳалол меҳнат билан ишлаб топилган пулга энг оддий нарсаларни ҳақоратсиз, навбатларда узоқ туриб қолмай, сотиб олиш мумкин бўлиши учун, бозорларда чайқов нархлари эмас, балки нормал нархлар амал қилиши керак.

Шуни ёдда тутиш жуда муҳим: тузумимизнинг инсонпарварлик табиати, инсоний социал адолат принциплари ўзини барча зарур нарсалар билан доимо таъминлашга қодир бўлмаган кишилар давлатдан, жамиятдан, меҳнат коллективларидан ва жамоат ташкилотларидан ёрдам олиб туришини талаб қилади.

Серфарзанд камбағал оилалар, кўп болали оналар, ҳали ўзини ўнглаб олмаган ёшлар, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кекса кишилар шулар жумласидандир. Бунда бизнинг жуда кўп ўткир, носоғ муаммоларимиз бор. Мен қуйидаги рақамларни неча марталаб айтиб ўтганман, бугун эса фақат битта рақамни такрорламоқчиман — 9 миллион киши ёки республика аҳолисининг 45 фоизи жон бошига ҳисоблаганда ойига 75 сўмдан камроқ даромадга эга, бу эса кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражани ҳам таъминламайди.

Халқ сайлаб қўйган кишилар сифатида, ҳокимиятнинг мухтор вакиллари сифатида, биз мана шу масалаларни ҳал қилиш учун чинакамига киришишимиз керак. Биз турғунлик йилларини, аввалги раҳбарларнинг хаталарини рўкач қилиб, шу масалалардан бўйин товлай олмайміз, улардан яширина олмаймиз, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ. Эндилик да кишилар биздан, янги сайланган халқ депутатларидан мана шуни кутмоқдалар. Улар биз сафсатабозлик ва гап-сўзлар билан эмас, мажлисбозлик билан эмас, балки аниқ-равшан натижа берадиган иш билан шуғулланишимизга умид қилмоқдалар. Агар шундай қилинмаса, халқ бизга ишонмай қўяди.

Бугун баъзи бир силжишларни, ишлаб чиқаришнинг ўсишини таърифловчи айрим рақамларни, баъзи кўрсаткичларни келтириш мумкин эди. Аммо ҳозирги пайтда бундай ялпи ёндашиш тўғри келмайди. Қандайдир муҳим процентлар эмас, балки одамларнинг турмуши амалда яхшиланиши керак.

Қайта қуриш ўзининг кундалик ғам-ташвишлари ва эҳтиёжларига эга бўлган инсонни бутун иқтисодий ҳамда ижтимоий сиёсатнинг марказига қўйди. Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди Ҳаракат дастурига айни мана шундай принцип асос қилиб олинган. 1990 йилда республикани, областлар, шаҳарлар ва районларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш планлари ҳамда XIII беш йилликка мўлжалланган лойиҳаларда айни мана шу устун йўналишлар назарда тутилган. Мўлжалланган режаларни рўёбга чиқариш учун дастлабки амалий қадамлар қўйилди.

Кейинги вақтларда мен бу ҳақда бир неча марта гапирган эдим, лекин яна бир карра такрорлаб ўтишни айб эмас, деб ҳисоблайман. Қишлоқ аҳолисига уйрўзғорда ёрдамчи хўжаликни юритиш ва якка тартибдаги қурилиш учун томорқа участкалари ажратиб бериш ва уларнинг миқдорини кўпайтириш тўғрисидаги қарор юз минглаб қишлоқ оилаларининг турмушини яхшилашга ва жуда тез самара беришга мўлжалланган энг катта қарордир.

Қуйидаги рақамлар ана шу ишнинг миқёсларидан далолат беради. Бугунги кунгача 381 минг оила ёки муҳтож бўлганларнинг деярли ҳаммаси биринчи марта томорқа участкаларига эга бўлди, яна 872 минг оила ҳозиргача бўлган ерларини анча кенгайтириб олди. Шу мақсадлар учун жами 150 минг гектар ер ёки талаб қилинаётган миқдорнинг 95 фоизи ажратиб берилди. Аҳолига 21 минг бош бузоқ, 312 мингта қўзи ва улоқ, 10 миллионтадан кўпроқ жўжа сотилди, бу эса шу йилнинг ўзидаёқ қишлоқ аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлашини кескин яхшилаш, колхоз бозорларини анча тўлдириш мумкин бўлади, деган маъноні билдиради.

Аҳолининг камбағал табақаларига ижтимоий ёрдам бериш республика программаси ишлаб чиқилди ва у амалга оширилмоқда. Программага мувофиқ биринчи — бешинчи синфларнинг ўқувчиларини текин овқатлантириш, бемор ҳомиладор аёлларни юқори сифатли маҳсулотлар билан имтиёзли таъминлаш йўлга қўйилмоқда. Қишлоқлардаги боғча ва яслиларда болаларни, интернат уйлардаги кексалар ва ногиронларни таъминлаш нормалари оширилди. Бу хайрли ишларга сарф қилинган маҳсулотлар колхоз ва совхоз планларига қўшилади. Пенсиялар ва нафақалар миқдорини кўпайтириш учун қўшимча маблағ, шу жумладан партия, касаба уюшмалари - бюджетининг ҳисобидан ҳам қўшимча маблағлар ажратилади. Ётоқхоналар етишмаётганлиги сабабли хонадонларда ижарага туришга мажбур бўлаётган талабаларга қўшимча пул берилмоқда.

Республиканинг молиявий аҳволи ва унинг иқтисодий мустақиллиги кучайиб боришига қараб ана шу мақсадлар учун маблағлар ҳам кўпроқ ажратила беради. Аммо мазкур муаммоларни ҳал этишда давлат бюджетининг ўзигагина кўз тикиб туриш нотўғри бўлур эди. Корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг маблағлари ҳам фойдаланилиши лозим бўлган ғоят катта резервдир. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, хўжалик мустақиллиги шароитида ишлаётган меҳнат коллективлари эндиликда ўзларининг муҳтож аъзоларига ёрдам бериш учун, оналарга, ветеран пенсионерларга ва бошқаларга қўшимча ҳақ белгилаш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

Ҳозирги пайтда 800 дан кўпроқ колхоз, 50 та совхоз ва 85 та саноат корхонаси ўз маблағлари ҳисобидан оналарга, ветеран пенсионерларга қўшимча ҳақ белгилаб қўйган. Бизга маълумки, «Краснохолмскгеология» бирлашмасида, «Теплопроект» институтининг Ўрта Осиё бирлашмасида, «Чирчиқхиммаш», «Узэлектротерм» заводларида, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхозда ва бошқа кўпгина жойларда анчагина қўшимча ҳақлар жорий этилган.

Ҳаммангизга маълум бўлган «Совпластитал» бирлашмасини олиб кўринг. Бу ерда ўтган йилнинг ўзидаёқ корхонада 5 йилдан 10 йилгача ишлаган одамларга пенсияга чиқиш пайтида ойига 30 сўм, 10 йилдан 15 йилгача ишлаганларга 50 сўм, 15 йилдан 20 йилгача ишлаганларга 75 сўм қўшимча ҳақ тўлашга қарор қилинган.

Мана буни ишнинг кўзини билиб, инсонпарварлик билан ёндашиш деса бўлади, буни депутатлар, барча раҳбарлар, меҳнат коллективларн кенгашларининг аъзолари, кенг жамоатчилик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари лозим бўлган, **савобли ишларга намуна деса бўлади.**

Мана шу намуна муаммоларни митинглардаги минбарларда туриб, қуруқ сафсатабозликлар билан эмас, балки аниқ-равшан, саботли, самарали, интизомли ва фойда келтирадиган иш билан ҳал қилиш кераклигини яққол кўрсатиб турибди. Бу ўринда бир нарсага эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Халқимиз тақдирини ҳал қиладиган мана шундай муаммоларни ечиш ишига Ўзбекистондаги ҳамма соғлом кучларни даъват этамиз.

Ҳаммамизга маълумки, бунақа кўп йиллар давомида тўпланиб турган жумбоқларни ҳал қилиш осон эмас.

Шунинг учун ҳаётимизга енгил кўз билан қараётган, баъзи бир сафсата гапларни тарқатаётганлар, шу жумладан «Бирлик» уюшмасининг айрим раҳбарлари гапларини эшитиб, ҳайратда қоласан киши.

Пахта яккаҳокимлигини тугатиш ва унинг нархини ошириш тўғрисида улар биринчи бўлиб гап кўтарган экан. Шунга бағишлаб митинглар ўтказилгандан кейин ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. И. Рижков билан учрашилгандан кейин бу масала **ўз йўли билан ҳал ўлиб қолган экан,** нима сабабли бунинг орқасида қанча минг мутахассислар тер тўккани, қишлоқ хўжалик ходимлари ва раҳбарлари шу масалани ечиш учун қанчандан-қанча ишларни бажаргани ҳисобга олинмас экан? Ахир, бу кулгили гаплар эмасми? Агар митинглар орқали халқимизнинг ҳамма жумбоқларн ва муаммолари ечиладиган бўлса, ҳаёти осойишта ва фаровон бўлса, мен ўзим биринчи митинглар ва намойишларнинг қатнашчиси бўлур эдим ва бошқаларни ҳам шунга чақирардим.

Пахтани териб топширганлик учун қўшимча ҳақ ғорий этилганлиги қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақига, демакки, уларнинг кайфиятига ҳам яхшигина таъсир қилди. Ҳисоб-китоблар ва танлаб ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, теримчи аёлларнинг иш ҳақи мавсум мобайнида 700—800 сўмдан 2,5—3 минг сўмгача етган. Ҳаммангизга маълум бўлса керак, 1990 йил мавсумида пахта нархи ҳар тонна учун яна 100—110 сўмга кўпайтирилади. Биз бу қўшимча ҳақни пахтанинг ҳақиқий харажатларини қопловчи янги нархлар белгиланиши йўлида қўйилган муҳим, аммо фақат биринчи қадам, деб биламиз. Бу масала мамлакат ҳукумати олдига қўйилган бўлиб, у батамом ва энг мақбул тарзда ҳал этилмагунча олиб ташланмайди. Ўзларингиз биласиз, яқинда кенг жамоатчиликнинг иштироки билан шаҳар фаоллари йиғилишида шаҳар хўжалигини ва республика пойтахти Тошкентнинг тарихан таркиб топган қисмини қайта тиклаш ва таъмирлаш дастури муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Халқимизнинг миллий-маданий талаб-эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш учун кўп иш қилинмоқда. Республика Олий Совети Ўзбекистон ССР территориясида ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисида Қонун қабул қилди. Республика Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати жамоатчилик кучларига таянниб, меҳнаткашлар томонидан маъқулланган яна бир қанча қарорларни, шу жумладан анъанавий халқ байрамлари, урфодат ва маросимларини қайта тиклаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилдилар.

Яқинда, дам олиш куни деб эълон қилинган 21 марта Шарқдаги энг қувончли байрамлардан бири «Наврўз»ни бутун халқ билан бирга байрам қиламиз. Мана шу умумхалқ байрами шарафига республикадаги таниқли маданият арбобларининг барпо этилаётган рус драма театри биноси негизида «Наврўз» байналмилал саҳна комплексини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси маъқулланди.

Қўрилаётган чоралар республикада йиғилиб қолган барча муаммоларни ҳал қилиб қўяди, деб ҳисоблаётганимиз йўқ. Аксинча, биронта хайрли ишни бажаргандан кейин хотиржам бўлиб, бефамлик қилиш мумкин деб ўйлаётган кишилар катта хато қиладилар. Бу ниҳоятда хатарли ва зарарли одат бўлиб, бунга йўл қўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Ҳар кун ва ҳар соатда одамлар ғамини ейиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилашга эришиш, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этиш йўлларини қадам-бақадам қидириб топиш керак.

Аммо буни ҳамма тушуниб етмаганлигини амалий ишлар кўрсатиб турибди. Баъзи раҳбарларни деҳқонларга ер участкалари ажратиб беришга том маънода зўрлик билан мажбур қилишга, қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини таъминламоқ учун жойларга Марказком бригадаларини юборишга тўғри келди. Бу масалаларда айни пойтахт Тошкент области энг кўп қолоқликка, энг кўп тўсқинликка йўл қўяётганлиги бизни, айниқса, ташвишлантирмоқда.

Ҳозир бизнинг қўлимизда таҳлил маълумотлари бор: кўпгина раҳбарлар баҳор эшик қоқаётганини кўришни ва шу йилнинг ўзидаёқ томорқалардан самара оладиган бўлишлари учун одамларни кўчат, уруғлик, навниҳоллар билан таъминлаш кераклигини сира ҳам тушунишни истамаяптилар.

Якка тартибдаги қурилишга ссудалар ажратиб бериш, одамларни қурилиш материаллари билан таъминлаш масалаларига депутатлар билан кенг жамоатчилик алоҳида эътибор бериб, назорат қилиб туришлари зарур.

Айнан шу ва биринчи навбатда ёш авлод тарбияси, одамларни иш билан таъминлаш, табиий ва ижтимоий муҳитни соғломлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар депутатлардан доимий эътибор ва амалий ечимлар талаб қилади.

Бугунги кунда жумҳуриятимизда 1700 та мактаб вайрон ҳолда эканига чидаб бўладими? Қурилаётган мактаблар сони эса аҳолининг кўпайиш суръатини аранг қондираяпти. Соғлиқни сақлаш ишлари бўйича мамлакатда энг охирги поғоналардан бирида эканлигимиз-чи?

Одамларга оддий ичимлик сув етказиб бера олмаётганимиз-чи? Амударё ва Сирдарё қуйи оқимларида яшаётган 4 миллионга яқин аҳолининг ниҳоятда мушкул аҳволичи? Орол муаммосидан бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари безовта, бесарамжон. Касалликлар, болалар ўлими, одамларнинг тушкун руҳияти, эртанги кун ташвишлари, хуллас, жуда кўп бошқа муаммоларчи? Халқимиз бошига тушган бу ташвишларни чуқур ҳис қилиш, уларни бартараф этиш нақадар мураккаб ва зарур эканлигини англамоқ учун кўп нарса керак эмас — безовта юрак керак, очиқ кўз керак.

Ўртоқлар!

Бу борада ҳеч нима қилинмаётган экан-да, дейиш, албатта нотўғри бўлади. Иш қилинаяпти, режалар ҳам катта. Лекин бу режалар заминида амалий ишлар бўлмоғи керак. Одамларнинг, айниқса депутатларнинг ташаббусига кўп нарса боғлиқ. Бу вазифаларга бутун халқни сафарбар этиш зарур. Бу муаммоларни келтириб чиқарган айбдорларни қидириш унча қийин иш эмас. Қийини — ана шу оғир аҳволдан қутилиш учун бор кучдан самарали фойдаланишдир.

Бу жараёнда бир нарсага эътибор қилишимиз керак: кимдир бақир-чақир қилиб иш кўрсатгандай бўлади, сохта обрў орттиради, бусиз ҳам оғир вазиятни янада кескинлаштиради; кимдир эса сабот билан бор ақл-идрокини ишга солиб, меҳнат қилади, мавжуд камчиликларни тугатиш йўлларини қидириб-қидириб, охири топади. **Демак, сарагини-саракка, пучагини — пучакка ажратадиган пайт келди.**

Учинчидан: бу ўринда шундай савол туғилади: ўлкамиздаги мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитни кўриб-билиб туриб, одамларни гиж-гижлаб, ҳар хил тартиббузарликка, митинг ва иш ташлашларга чорлаётган кимсаларнинг асл мақсади нима? Буларни қандай тушунса бўлади? Бўка районида ёшларни йўлдан уриб, уларни ғайриқонуний ишларга мажбур этаётган, миллатлараро низоларни кучайтираётган, халқларнинг тақдири билан ўйнашаётган кимсаларнинг тегирмонига сув қуйиш деган нарса бу.

Ўзингиз кўриб турибсиз, қаерда партия ва совет раҳбарлари ўз бурчи ва жавобгарлигига лоқайд бўлса, вазиятни яхши билмаса, ўша жойларда тўполон бўлаяпти. Ахир Фарғонадаги, Кавказдаги, Душанбедаги воқеаларда қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди, қанча ёшларнинг ҳаёти, тақдири **чилпарчин** бўлди, қанчаси қамоққа олинди. Уларнинг хонадонлари, оилалари-чи? Биз доим мана шу ҳақда ўйлашимиз керак.

Яна бир марта такрорлаб айтаманки, сиёсий, маънавий бурчимиздан ташқари, энг аввало оталик бурчимизни ўйласак, фарзандларимизнинг тақдирини ўз манфаатлари йўлида қурбон қилаётганларга бефарқ қараб туришимиз керакми?

Тўртинчидан: республиканинг келажагини ўйлаган ҳар бир киши энг аввало эртанги кунда шу ҳаётни бошқарадиган ёшларимиз тақдирини ўйлаши керак. Шунинг учун ҳар бир депутат, ҳар бир раҳбар, бугун жамоатнинг олдига тушаман деб турган ҳар бир кишининг қилаётган ишлари, босаётган қадами ана шу мақсадга қанчалик мослиги билан баҳоланади.

Тўғрисини айтиш керак, ўртоқлар, сўнгги йилларда биз бу муҳим вазифани унутиб қўйдик. Ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ишлар — ўқув жараёни бўлсин, маданият ва санъат бўлсин, жисмоний тарбия бўлсин — ҳаммасига қолган-қутган маблағлар сарфланди. Бу арзимас маблағлар ҳам халқ хўжалигининг бошқа соҳалари билан солиштирганимизда доим энг охирида ажратилди. Кимда-ким бугунги ёшларимиз фалон бўлиб кетди, фистон бўлиб кетди дейдиган бўлса, энг аввало ўзидан хафа бўлсин, ўзини айблаши керак. **Экканингни оласан, деб бежиз айтмайди халқимиз.**

Шу билан бир қаторда жуда муҳим бир гапни ҳам айтмоқчиман. Минг раҳмат ўз фарзандларини халқ ва жамият манфаати йўлида асл инсонийлик йўлида тарбия қилаётган ота-оналарга, ветеранларга! Уларнинг меҳнати билан юртимиз ёшлари халқимизнинг қадимий урф одатларини, одоб-ахлоқини, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, бировнинг оғирини енгил қилиш каби ажойиб ҳислатларини давом эттираяптилар. Бу менинг шахсий фикрим, ўртоқлар! Бошқа жойларга солиштирмайлигу, лекин бизнинг ёшларимиз, кўз тегмасин, яхши. Мана шу бебаҳо бойлигимизни сақлаб қолиш, ёшларимиз тарбияси учун, уларнинг бахтли, тўкин, қизиқарли ҳаёти учун ҳеч нарсани аямаслигимиз керак.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда зиёлиларимизнинг ўрни алоҳида эканлигини эътиборга олиш керак. **Қайси раҳбар, қайси амалдор ўз обрўсини тўкмоқчи бўлса, у зиёлилар билан орасини бузади. Тарихда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам бунга мисол кўп. Катта-кичик барча амалдорлар кўзларини каттароқ очиб, зиёли зотига эътибор билан қарашни ўзларига шараф деб билмоқлари керак.** Ҳаммага аён: баъзан бир оғиз ширин сўз, қўллаб-қувватлаш ижодкорни жуда катта ишларга илҳомлантириши мумкин.

Ёшларни замонавий фантехниканинг, умуман илм-фаннинг ютуқларидан баҳраманд қилмасдан туриб, уларга юқори малакали ихтисос эгалари бўлиб етишишга шароит туғдирмай туриб, биз республикамиз халқ хўжалигини, саноат ишлаб чиқариши соҳаларини тубдан ўзгартира олмаймиз. Буни ҳам доим ёдда тутиш керак. Чунки ишсизлик, маош камлиги, мутахассислар етишмаслиги ва бошқа кўп етишмовчиликлар ана шундан деб ўйлайман. Бу кетишда биз учун юртимизни социал-иқтисодий ва миллий ривожлантиришдек муҳим вазифани тезроқ амалга ошириш жуда қийин бўлади. Демак, халқ сайлаб қўйган депутатларнинг биринчи галдаги вазифаларидан бири — ёшларимиз тарбияси миллий сиёсатини, ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш масаласидир. Бунга халқ маорифи системасини тубдан ўзгартириш, болалар боғчалари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув масканлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, махсус мактаб-интернатларни кўпайтириш каби кўпгина мураккаб вазифалар киради. Ёшлар тарбияси билан бевосита машғул бўлган, ўз умрини шу муқаддас ишга бағишлаган ўқитувчиларимизга эътибор ҳақида эса гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман. Биз ҳали уларга чинакам ғамхўрлик кўрсатаётганимиз йўқ. Бу масалани ҳам чуқур ўйлаш керак.

Яна бир нарсани бизлар ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак: истеъдодли ёшларга шароит яратиш. Яқинда биз Марказкомда мамлакатимизнинг энг яхши билим марказларига докторантурага ўқишга юборилаётган ёшларнинг биринчи гуруҳи билан учрашув ўтказдик. Бу иш учун ҳар қандай маблағ, ҳатто валюта ҳам аялмаслигини айтдик.

Яна бир оғиз сўз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида. Республикамиз областлари ижроия комитетлари кўпгина ҳарбий округлар билан шартномалар тузиб, ўша жойларда хизмат қилаётган фарзандларимизнинг ҳаётидан хабардор бўлиб туриш, уларга етарли шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Бу соҳадаги энг долзарб масалалардан яна бири — қурилиш батальонларида хизмат қилаётган ёшларимизнинг оғирини енгил қилишдир. Уларда интизом, сиёсий тарбиявий ишлар ниҳоятда паст даражада эканлигини биламиз. Бизнинг муҳокама учун таклифимиз шундай: агар қурилиш батальонларида хизмат қилиш керак бўлса, ўзимизда жуда бўлмаса Ўрта Осиё миқёсида ҳам қурилиш қўп. Шу ер

КПСС XXVIII съезди ўз ишини бошлаган кун. Бу кун мамлакатда туб бурилишлар ясашга киришилган кун сифатида тарихга кирди. Шундан бери ўтган тўрт йил ичида партия ва жамият ҳаётини қайта қуриш ва янгилаш соҳасида кўп ишлар амалга оширилди. Жадаллаштиришнинг туб моҳияти — фан-техника тараққиёти, экономика структурасини қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш изчил давом эттирилмоқда. Партия ўз фаолиятининг усул ва услубларини батамом янгилаш сари юз тутди: демократия ва ошкораликни ривожлантириш, ҳамма поғоналарда коллектив раҳбарлик принципини амалга ошириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни, назоратни, ишга масъулиятли муносабатни авж олдириш янгича иш юритишнинг мағзини ташкил этмоқда. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ана шу соҳада амалга оширилаётган ишларнинг сарҳисобини чиқарди. У партиямизнинг навбатдаги съездига тайёргарлик кўришнинг ҳал қилувчи босқичини бошлаб берди, Марказий Комитетнинг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйди. Республикамиз меҳнаткашлари, барча коммунистлари ушбу дастур лойиҳасини чуқур муҳокама қилар эканлар, айни пайтда партия XXVII съезди қарорлари асосида қандай ишлар амалга оширилганлигини ҳам таҳлил этмоқдалар. Қуйида шу мазмундаги мақолани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

КПСС XXVIII съезди олдидан

КОММУНИСТЛАР ИШБОШИ

Қайта қуриш қандай бормоқда?

КПСС Марказий комитети февраль Пленумидан кейин бошқача вазият вужудга келди. Қорақалпоғистон область партия ташкилоти ҳозирги мураккаб даврда омма билан жонли алоқани мустаҳкамлаш, дадил ғояларни ўртага ташлаш ва уларни одамларга тушунтириб бориб, рўй-рост иш тутиш, кишилар билан яқиндан иш олиб бориш, ишонтириш орқали уларнинг ҳурматини қозониш йўлини тутмоқда. Ўз атрофидаги кишилар ўртасида сиёсий иш олиб бориш, партия ғояларини тушунтириш, янги, илғор ишларга зўр ғайрат билан кўмаклашиш, одамларнинг турмушига алоқадор барча муаммоларни ҳал этишда фаол ёрдам бериш ҳар бир коммунистнинг энг биринчи галдаги вазифаси ва бурчи қилиб қўйилди.

Жойларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси синчковлик билан, қизиқиб ўрганиляпти. Обком секретари сифатида тез-тез партия ташкилотларида бўлиб, коммунистлар ва партиясизлар билан мулоқот олиб боришимга тўғри келмоқда. Ана шундай суҳбатлар, турли хил мунозаралар пайтида баъзан «Ҳозирги давр коммунистлари маънавий жиҳатдан партиясизлардан қандай фарқ қиладилар?» — деган саволлар ҳам берилляпти. Бу ўринли саволдир. Унинг тагида жуда ҳам вазмин маъно бор. Тўғри, партия ташкилотлари бундай коммунистларга нисбатан ҳатто КПСС сафидан чиқаришгача қатъий жазо чораларини қўлланмоқдалар. Масалан, КПСС Устави талабларига риоя этмагани, коммунист номига доғ туширгани, қўшиб ёзишда иштирок этгани, ичкиликбозликка ва нашавандликка ружу қўйгани, ўғирлик қилгани, порахўр бўлгани, хизмат вазифасини суиистеъмол этгани ва партия аъзосига хос бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатлари учун кейинги икки ярим йил ичида автоном республика бўйича 373 киши партия сафидан чиқарилди. 38 КПСС аъзолигига номзод аъзоликка қабул қилинмади. 815 коммунистга эса ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан партиявий жазо берилди.

Булар орасида қўшиб ёзишга йўл қўйгани учун партия сафидан чиқарилган Ленинобод районидаги «Партия XXII съезди» совхози директори Н. Тулепбергенов, Қўнғирот, Манғит, Хўжайли, Беруний пахта тозалаш заводлари директорлари Л. Қудайназаров, Ю. Собиров, Ж. Холбоев, Д. Туримов, нотўғри хатти-ҳаракати учун партия сафидан ўчирилган 624-қурилиш-монтаж поезди бошлиғи В. Бобожонов, «Каракалпактрансэкспедиция» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Т. Заримбетов, Нукус телемаркази директори А. Давлетмуродов ва бошқалар бор. Аммо шуни ҳам таъкидлаш керакки, фақат маъмурий чоралар билан салбий ҳодисаларни тугатиш муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Партия ташкилотлари шуни ҳисобга олиб, комплекс тарбиявий ишларга зўр бермоқда, партия қонун-қоидалари бузилишига замин бўладиган сабаблар олдини олишга ҳаракат қилмоқда. Энг муҳими, ҳар бир коммунистнинг кундалик ҳаётдаги фаол мавқеини таъминлашга асосий эътибор қаратилди. Эндиликда партия бадалларини вақтида тўлаб, йиғилишларга мунтазам қатнашиб, ҳар қандай қарорни қўл кўтариб маъқуллагани билан, ўзини жўшқин ҳаётдан четга олаётган, ҳеч қандай ташаббус кўрсатмайдиган ва ҳамиша сукут сақлайдиган коммунистларнинг қайта қуришга ёрдамлари тегмайди. В. И. Ленин таъбири билан айтганда бундай партия аъзоларининг партия коллективи учун сира ҳам кераги йўқ.

Қайта қуриш ва янгиланишда етакчилик қилиб, хато ва камчиликларни тезроқ тугатиш, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги усул ва услубларини жорий қилиш ҳозир автоном республика партия ташкилотлари олдида турган энг долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Бу соҳада ҳамиша бўлганидек, коммунистлар ибрат кўрсатишяпти. Масалан, Тўрткўл районидаги Шўрохон овул Советининг раиси коммунист Ҳосилбек Шержонов биринчилардан бўлиб ўз оила аъзолари билан биргаликда Димитров номли колхозда «Чорвадор» кооперативини ташкил этди. Фермер хўжалиги омонат банкидан 39 минг сўм пул олиб, сигирхона қурди, бозордан 30 бош сигир сотиб олди. Колхоз фермер хўжалигига 10 гектар суғориладиган ва 34 гектар қўриқ ер ажратиб берди. Ҳозир бу фермада сигирлардан кунига ёғлилик даражаси 3,8—4 процент атрофида 350—400 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Ҳар бош сигирдан бир йилда соғилган сут миқдори 4,5—5 минг килограммни ташкил этди.

Булардан ташқари кооператив фермада 20 новвос ҳам сўқимга боқиляпти. Уларнинг вазни 400—450 килограммга етгач, шу йил нинг март ойида гўштга топшириш режалаштирилмоқда. Фермер хўжалиги бир йиллик даромадидан омонат банкидан олган қарзнинг 19 минг сўмини қайтаришга муваффақ бўлди. У март ойида қарздан бутунлай қутулмоқчи. Сўнг қорамоллар, молхоналар, етиштирилаётган маҳсулот тўлалигича шу оила мулки бўлиб қолади. Кооператорларнинг ишбилармонлиги келгуси режаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Бу оила шу йили балиқ ўрдак урчитиш ва кўпайтиришни, музқаймоқ ва пишлоқ ишлаб чиқаришни планлаштирмоқда. Ҳозир автоном республикада фермер хўжаликлари, ижара коллективлари, қишлоқ хўжалиги кооперативларининг вужудга келаётганлиги, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг муҳим омили бўлиб қолаётганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Эндиликда Қорақалпоғистонда 700 дан кўпроқ фермер хўжаликлари иш олиб боряпти. Улар ҳар куни ўртача иккита район етиштираётган миқдорда ёки шахсий хўжаликларда тайёрланаётган жами сутнинг 60 процента миқдорида сут етиштирмоқдалар. Фермер хўжаликларига 4,8 минг гектар суғориладиган ер майдонлари биркитилган, 7 миллион сўмдан кўпроқ қарз берилди, 15 минг гектардан кўпроқ ер майдони томорқа хўжаликлари учун ажратилди.

Ана шу мисолларнинг ўзиёқ деҳқонни ер билан таъминлаш ва унга мустақиллик бериш қандай муваффақиятларга олиб келишини кўрсатиб турибди.

XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати, шоликорлик бригадаси бошлиғи А. Ўрозбоевнинг ташкилотчилик фаолияти ҳам ҳамқишлоқларига намуна бўляпти. У автоном республикада биринчилардан бўлиб тармоқда хўжаликни юритишнинг эски усулидан узил-кесил халос бўлди. Гарчи у партия ва ҳукумат қарорлари асосида иш олиб бораётган бўлса ҳам ижарачилик, фермер бўлиш ва бошқа янги услубларга тўсқинлик қилаётганлар унинг ҳам оёғидан чалишга ҳаракат қилиб кўришди. Аммо А. Ўрозбоев ўзининг ҳақ эканлигини амалда тасдиқлаганидан кейин хатто янгилик душманлари ҳам унга тан беришга мажбур бўлдилар. Орадан кўп ўтмай у СССР халқ депутати қилиб сайланди.

КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасида янгича иш услубларининг жорий этилиши кўп жиҳатдан турли даражадаги партия комитетларига раҳбарлик қилаётган коммунистларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикр равшан акс эттирилган. Коллективда уларнинг обрўсини таъминлашнинг асосий шакларидан бири сайлаб қўйиладиган органларни шакллантиришни кенг демократиялашдир. Кейинги даврда Қорақалпоғистон область партия ташкилоти кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда расмиятчилик-номенклатура жиҳатдан ёндашишдан воз кечмоқда. Бу — кадрлар масаласини кабинетларда ўтириб эмас, балки, алтернатив асосларда сайлов ўтказишни йўли билан белгилаш демакдир. Ўтган икки йилда 1100 дан зиёд раҳбар ходим икки ва ундан ортиқ номзод орасидан сайлангани бунга мисол бўла олади. Олтита райком секретари, тўртта райижроком раиси, Чимбой, Элликқалъа район партия комитетларининг биринчи секретарлари ана шу тарзда сайландилар. Тўрт кишининг номзоди киритилган Нукус давлат университети ректори сайлови икки кун давом этди. Ўтган йили партия қуйи бўғинлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар икки секретардан бири бир неча номзод орасидан танлаб сайланди. Гарчи алтернатив усул демократия тушунчасини тўла қамраб олмаса ҳам, ҳар ҳолда коммунистларнинг сиёсий етуклиги ва фаоллиги ва демократия, ошкоралик ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

Партия таркибий қисмини шакллантириш, унинг сафларини ўстиришни КПСС Устави нормаларига мувофиқ амалга ошириш, бу ишга ғоят масъулият билан ёндашиш ҳамма вақт ҳам асосий эътибор талаб қиладиган вазифалардан бири бўлиб келди. Турғунлик йилларида партия сафларининг сифатга зарар етказилган ҳолда ўстирилгани, партия сафларига кирувчиларга етарли даражада талабчанлик қилинмаганлиги, партияга кишиларнинг мансабпарастлик ёки бошқа ғаразли мақсадлар билан кириб қолишига йўл қўйилганлиги оқибатлари ҳозиргача ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда. Чунки партияга шахсий манфаатини кўзлаб кириб олган баъзи кишилар ўз ниятини яшириб, гарчи сўзда қайта қуриш тарафдори эканликлари ҳақида жар солсалар ҳам, амалда унга тўғоноқ бўлмоқдалар, баъзилар эса атайлаб бепарволик, бюрократизм ва сансалорлик билан қайта қуриш ва янгиланиш жараёнини сусайтирмоқчи бўлмоқдалар. Бундай кишиларга коммунистнинг пок номи ва маънавий бурчи каби тушунчалар бутунлай ётдир. Беруний районида яқинда рўй берган бир воқеа фикримизнинг далили бўла олади. Бу ерда район матлубот жамиятига раис қилиб кўтариш олдидан И. Жуманиёзовни КПСС аъзолигига номзодликка қабул қилишди. У раис бўлиб олгач, кадрларни ўз, билгича ўзгартиришга киришди. Партия топшириқларини бажармай қўйди, меҳнат интизомининг бузулишига йўл очиб берди. Охир оқибатда коммунистлар уни КПСС аъзолигига қабул қилишни рад этдилар, сўнгра у хизмат вазифасидан ҳам бўшатилди. Яхшиямки, унинг ҳақиқий қиёфаси ўз вақтида маълум бўлиб қолди. Ҳар хил йўл билан партия сафига кириб, катта зарар етказаётган, унинг обрўсини тўкаётган кишилар оз эмас.

Партия сафини ўстиришга бошланғич ташкилотлар социал таркибини белгилашда бўлаётгани сингари расмий-статистик ёндашиш каби усулларга бутунлай барҳам бериладиган вақт келди. Баъзи ташкилотларда партия аъзолигига қабул қилинмоқчи бўлган кишиларга район ва шаҳар партия комитетларининг ҳисоббири қабул қилинаётган ўз ҳамкасби тўғрисида шахсий фикрини айтди.

Идеологик янгиланиш партиявий ишнинг муҳим йўналиши бўляпти. Автоном республикада бошланғич партия ташкилотларидан партия комитетларигача пропагандистлар, лектор ва агитаторларнинг катта отряди иш олиб бормоқда. Аммо жамиятда иқтисодий, экологик ва ижтимоий вазиятнинг кескинлашиб кетгани идеология кадрларини ишониб қўйди. Кишиларни ишонтириш эмас, балки унга тайёр «ҳақиқат»ни етказишга одатланиб қолингани, мунозара олиб боришга тайёр эмаслик ҳозирги мураккаб шароитда идеология соҳасидаги ишни анча қийинлаштириб юборди. Шунинг учун ҳам партия ва идеология ходимларининг одамлар ёнига бориб, иқтисодий ва социал соҳадаги қийинчиликларни енгиш юзасидан область партия комитети амал қилаётган ҳаракат программасини халққа тушунтириб бериш муҳим вазифа бўлиб қолди.

Обком бюроси аъзолари ижодий, илмий зиёлилар, ёшлар ва аҳолининг бошқа гуруҳлари билан мунтазам учрашиб турибдилар. Бундай мулоқотлар ёзувчилар, композиторлар, рассомлар уюшмаларида, ветеранлар кенгашларида, комсомол фаоллари йиғилишларида бўлиб ўтди. Ривожланишнинг комплекс программаси ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ҳозирги пайтда жамиятни тубдан янгилаш учун курашаётган барча кучлар билан ўзаро манфаатли мулоқот олиб бориш ҳар бир партия аъзосининг бурчи бўлиб қолди.

Ҳаракат дастури кабинетларда ўйлаб топилган кўрсатма ва вазифалар асосида эмас, балки меҳнаткашларнинг манфаатларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида шаклланиши зарурлигини кундалик ҳаёт кўп марта тасдиқламоқда. Масалан, «Саломатлик» комплекс программасини олайлик. Ушбу программа икки йил олдин ишлаб чиқилганда гўё барча муаммоларни ўзида тўла қамраб олгандек туюлган эди. Аммо аҳолининг соғлиғи синчиклаб ўрганиб чиқилганида Автоном республикада катта ёшдаги кишиларнинг 60 фоизга яқин қисми бемор эканлиги маълум бўлди. Демак, эски дастур билан иш кўриш ҳеч қандай самара бермайди. СССР халқ депутатлари Қорақалпоғистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати Т. Қаипбергенов бошчилигида СССР Соғлиқни сақлаш министри Е. И. Чазов қабулида бўлдилар. У депутатларнинг илтимоси билан экологик фалокат зонасига келиб аҳвол билан шахсан танишди. Ҳозир эса Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан ҳамкорликда анча кенг қамровли янги программа ишлаб чиқилмоқда.

Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов Орол фожиасига асосан уч нарса — бефарқлик, манмансираш, шу топдаги муваффақиятнигина кўра оладиган хўжалик ходимининг очкўзлиги сабаб бўлганлигини таъкидлаган эди. Ана шу уч сабабнинг номи бир сўз билан айтганда —бюрократизмдир. Ҳар бир коммунистнинг бурчи ҳар қандай кўринишдаги бюрократизм билан муросасиз кураш олиб боришдан иборатдир.

Қайта қуришнинг маънавий жиҳатлари ҳар биримизни демократик асосларда фикрлаш ва ҳаракат қилишга ундамоқда. Демократик усулда яшаш эса кишилардан юксак маънавий ривожланишни, энг аввало кучли ирода, эркин ва сабр-тоқатли бўлишни ва ҳамма ишга юксак масъулият билан ёндашишни талаб қилади. Автоном республика партия ташкилотлари ҳар бир коммунистнинг енг шимариб амалий иш билан шуғулланиши, йўлдаги барча қийинчиликларни енгиб ўтишини таъминлашни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасида қайд этилганидек, халқ билан бирга яшаш, ҳамма қийинчиликларни халқ билан бирга бартараф этиш, турмушни биргаликда янги изга солиш, ҳамма муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, жамиятимизнинг ҳозири ва келажагини биргаликда қуриш Автоном республикамиздаги барча коммунистларнинг бутун республика аҳолиси олдидаги сиёсий ва маънавий мажбуриятидир.

В. ЗОРИН,
Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи котиби.

ОИЛА БЮДЖЕТИ

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитети ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар оилалари бюджетларини таҳлил қилди. Бу таҳлил ишчи ва хизматчилар оилаларининг 1989 йилги жами даромади 1988 йилга нисбатан 313 сўм кўпайиб, 5215 сўм бўлганлигини, колхозчилар оилаларининг даромади эса 251 сўм кўпайиб, 5821 сўмни ташкил этганлигини кўрсатди. Ишчи ва хизматчилар оилалари ҳар бир аъзосининг ўртача даромади 5,2 фоиз кўпайди ва ойнга 91 сўмни ташкил этди. Колхозчиларнинг даромади 4,9 фоиз кўпайиб, 71 сўмга етди.

Аввал бўлганидек, ишчилар, хизматчилар ва колхозчилар оилалари даромадларининг асосий шакланиш манбаи маош ҳамда колхозчиларга тўланадиган иш ҳақи ҳисобланади. Агар ишчи ва хизматчиларнинг оилаларида маош биргаликда топилган даромаднинг энг кўп улушини (77,1 фоиз) ташкил этса, колхозчиларнинг оилаларида колхозда меҳнатга ҳақ тўлашдан (57,8 фоиз) ташқари, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган (22,8 фоиз) даромаднинг улуши каттадир.

Ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларнинг оилалари ўртасидаги жами даромаддан фойдаланишда муайян тафовутлар мавжуд. Бу асосан колхозчилар оилаларининг катталиги билан боғлиқ. Шу боисдан колхозчилар оилаларининг овқатланишга сарфлаётган харажати ишчи ва хизматчиларнинг ана шу мақсадга сарфлаётган харажатидан 1,3 баравар ортиқ бўлмоқда, ноозиқ-овқат молларига эса 1,2 баравар кўп сарфланмоқда. Колхозлар узоқда жойлашганлиги, айрим ҳолларда эса маиший хизмат корхоналарининг йўқлиги сабабли колхозчиларнинг оилалари ишчи ва хизматчилар оилаларига нисбатан маданий-маиший хизматга қариб тўртдан бир баравар кам харажат қилмоқда.

Савдо тармоқларида озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари айрим турларининг етишмаслиги ва тақчиллиги муносабати билан, шунингдек ҳозирги мавжуд нархлар сабабли ушбу ижтимоий гуруҳларнинг оилаларида жами даромаднинг бутун ортиқча қисми озиқ-овқат маҳсулотлари, ноозиқ-овқат моллари ва маданий-маиший хизматларга тўланмоқда. Шу билан бирга хусусий кишилардан молларни сотиб олишга қилинаётган харажатлар кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг оилаларида озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга кетадиган харажатлар 1988 йилга қараганда 11,1 фоиз, ноозиқ-овқат молларини харид қилишга сарфланадиган харажатлар 1,3 фоиз, колхозчиларда эса шунга мувофиқ 4,9 ва 9,2 фоиз кўпайди.

Шундай қилиб, ҳар бир ишчи ва хизматчининг оиласи кунига ўрта ҳисобда 14,3 сўм, колхозчиларнинг оилалари 16 сўм харажат қилади, ишчи ва хизматчилар ана шу харажатларининг 5,8 сўм озиқ-овқатга, 7,3 сўм ноозиқ-овқат молларга ва колхозчилар оилалари ана шу харажатларининг 4,1 сўми озиқ-овқатга, 5,0 сўми ноозиқ-овқат моллариға сарфланмоқда.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТНИ БУЗИБ КЎРСАТИШГА ҚАРШИ

КПСС Ҳаракат дастурига амал қилувчи Литва Компартияси муваққат Марказий Комитетининг секретарлари ТАССнинг Литва ССРдаги мухбирлари пунктига «Литва ССР Олий Советининг 1990 йил 7 февралдаги» 1939 йилдаги Совет—Германия шартномалари ва уларнинг Литвага келтирган оқибатларини тугатиш ҳақида»ги қарорига доир баёнот топширдилар.

Литва ССР Олий Совети ушбу қарори билан «Литва Халқ сеймининг Литванинг СССРга қўшилиши тўғрисидаги 1940 йил 21 июль декларацияси Литва халқининг иродасини ифода этмаганлиги учун қонуний ва ҳақиқий эмас» деб эълон қилди, дейилади баёнотда. Литва ССР Олий Совети Литва Халқ сеймининг 1940 йил 21 июлдаги декларациясига асосланиб, 1940 йил 3 августда қабул қилинган «Литва Совет Социалистик Республикасини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига қабул қилиш тўғрисида»ги СССР Қонунини ғайриқонуний ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан Литвага боғлиқ бўлмаган» қонун деб топди.

Литва ССР Олий Совети ўзининг қарори билан, дейилади ҳужжатда, 1940 йил 14—15 июлда бўлиб ўтган Халқ сеймига сайлов гўё Литва Республикаси Конституциясини бузган ҳолда ўтказилган деб асослаб беришга, революцион халқ ҳокимиятдан четлаштириб қўйган сметоначилар режимининг 1939 йилдаги гитлерчилар Германияси билан тузилган яширин аҳдномаларни амалга ошириш чоғида сталинчи СССР Литвани «босиб олган», «аннексия қилган» деган уйдирмаларини такрорламоқда.

1940 йил ёзида Литвада бўлиб ўтган воқеаларга доир тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатишга қарши ва Литванинг СССРга қўшилиш тўғрисидаги декларациясини ҳақиқий эмас, деб топган Литва ССР Олий Советининг қарорига қарши қатъий норозилик билдирамиз. Бундай қарор на ҳуқуқий жиҳатдан, на сиёсий жиҳатдан асосланган. Литва ССР Олий Советига ҳеч ким бундай ҳуқуқни берган эмас. Тақдирга дахлдор масалаларни экстремист ва ажратмачи кучлар томонидан ҳеч қандай тазйиқсиз, босиб ўтилган йўлни ва Литва меҳнаткашларининг келажагини реал ҳисобга олиб, Литва халқининг ўзи ҳал қилиши лозим.

Литва ССРнинг СССР таркибига кириш тўғрисида Халқ сеймининг декларацияси, деб эслатилади ҳужжатда, меҳнаткашлар мутлақ кўпчилиги — Литва ишчилари, деҳқонлари ва зиёлиларининг иродаси асосида қабул қилинган эди. Равшанки, бойлигидан, имтиёзларидан, Литва меҳнаткашлари оммасини эксплуатация қилиш имкониятидан маҳрум бўлган кишилар бу тадбирга қарши чиқдилар. 1940 йил 14—15 июлда сайловчилар Литва халқ сейми депутатлари учун овоз берар эканлар, республика меҳнаткашларининг Литванинг СССР таркибига кириши тўғрисидаги иродасини ифода этдилар, Литва меҳнаткаш халқи иттифоқининг сайлов дастурини қўллаб-қувватладилар, бу дастурда Литва республикасининг СССР билан мустаҳкам, бузилмас иттифоқи зарурлиги айтилган эди. Ўша мураккаб шароитда Литванинг СССРга суверен иттифоқдош совет республикаси сифатида қўшилиши билангина ана шундай иттифоқни таъминлаш мумкин эди.

Халқ сейми қабул қилган Литва ССРнинг Совет Иттифоқи таркибига қўшилиши тўғрисидаги декларациясини республика меҳнаткашларининг кенг табақалари маъқуллади. Ўша кунларда Литва меҳнаткашлари жуда кўп митинглар ва йиғилишларда қабул қилган резолюциялар ҳам ана шундан далолат бермоқда.

Литва меҳнаткаш халқи ҳокимиятни ўз қўлига олгач, сайловни Сметонанинг халққа қарши режими Конституциясига мувофиқ ўтказишни хоҳламади, дейилади сўнгра баёнотда. Сайлов Литва халқ ҳукумати 1940 йил 5 июлда қабул қилган халқ Сеймига сайлов тўғрисидаги Қонун асосида ўтказилди.

1940 йил ёзида Литванинг «босиб олингани» ва «аннексия қилингани» тўғрисидаги мулоҳазалар ҳам асоссиз ва ўринсиздир, чунки совет қўшинлари Литвага шартнома асосида ва ҳар икки томоннинг розилиги билан киритилган. Совет қўшинлари Литванинг ички ишларига аралашмаган ва оккупация режими ўрнатмаган.

Литванинг СССР таркибига қўшилиши республиканинг иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиётига, Литвадаги барча халқлар фаровонлиги даражасини оширишга, барча азалий Литва ерларини бирлаштиришга самарали таъсир қилди.

Сталиннинг тоталитар режими ва маъмурий-буйруқбозлик системаси ҳукмронлиги шароитида СССРдаги бошқа халқлар каби Литва халқининг социалистик давлати қаттиқ чеклаб, торайтириб қўйилган, бузилган, ўз реал мазмуни ва мустақиллигини анча йўқотган эди. Революцион қайта қуриш шароитида СССРдаги бошқа халқлар каби Литва халқининг ҳам социалистик давлатини Совет Иттифоқининг сифат жиҳатидан янгиланаётган федерацияси таркибида янгилаш учун реал шароит пайдо бўлди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлаётган Литва Компартияси Литва халқи тараққиётининг ана шундай йўли тарафдоридир. **(ТАСС).**



• Ҳамкорлик

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ САМАРАСИ

Совет — Хитой «Ташинтерм» қўшма корхонаси дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқарди. Булар — 3,2 литр сиғимли пневматик термос ҳамда икки литрли иссиқбардош қолбали оддий термослардир.

«Ташинтерм» — хўжалик ходимларининг омилкорлиги, ишбилармонлиги ҳамда масалага замонавий ёндашиши самарасидир.

Ҳаммаси Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Тошкентда эксперименталь тажриба-механика заводини ташкил этишидан бошланди. У шаҳардаги корхоналарни металл асбоб-ускуналар билан таъминлаши керак эди. Завод зиммасига 200 бирликдаги камёб ускуналарни тайёрлаш юклатилди. Уларни харид қилиш ва монтажлаш учун илгари йиллар талаб этилади.

1988 йилда заводни хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказишди. Бу, бир қарашда осондек туюлиши мумкин. Лекин амалда эса мазкур тадбир ҳозирча кўп жойларда кутилган натижа бермаяпти. Хўш, нима қилиш керак? Тажриба-механика заводида эса маҳсулот ҳамон ишлаб чиқарилмас ва унинг қачон йўлга қўйилиши ҳам номаълум эди. Корхона раҳбарлари боши берк кўчадан чиқиш йўлларини излай бошладилар. Улар корхонани фақат халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришгина қутқариб қолишини тушуниб етдилар. Савдога ҳам, халққа ҳам керакли бўлган термос ишлаб чиқаришни мақсад қилиб қўйдилар. Ишлаб чиқаришда колбадан бошқа ҳамма нарса муҳайё эди. Таъминотчиларни унчалик қийналмай топишга амин эдилар. Афсуски, у ҳам чиппакка чиқди. Мамлакатдаги колба тайёрлашга ихтисослашган 8 та заводдан бирортаси шартнома асосида маҳсулот етказиб беришни бўйнига олмади.

1988 йилда СССР билан чегарадош Ўрумчи шаҳридаги Шинжон термос саноати компанияси Душанбе шаҳрида уюштирилган Хитой Халқ Республикаси халқ истеъмоли моллари кўргазмасида ўз маҳсулотини намойиш қилди. Шунда тошкентликларда ажойиб гоя туғилди. Улар хитойликларга ҳамкорликда термос ишлаб чиқаришни таклиф қилдилар. Хитой мутахассислари бу таклифни қизиқиш билан ўргандилар. Ўрумчи ва Тошкентнинг мутахассислари бир-бирларига бориб келдилар. Ниҳоят ўтган йили мартида Тошкентда қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекилди. Шу йилнинг январида эса корхона ишга туширилди. Ҳозир заводда ўзбек ишчилари билан ёнма-ён 22 нафар хитойлик мутахассис меҳнат қиляпти. Улар ўз касб маҳоратларини ўргатишмоқда.

Савдо шахобчаларига ҳозиргача қирқ мингдан кўпроқ термос жўнатилди. Ўзининг техникавий-физик хусусиятларига кўра, улар жаҳондаги энг яхши шундай маҳсулотлардан сира қолишмайди. Йил охиригача қарийб 1 миллионта маҳсулот тайёрланади. Улар асосан совет харидорларига мўлжалланган. Ички бозор тўла таъминланган сари Тошкент термосларини хорижга ҳам сотиш йўлга қўйилади. Шартномага кўра, Хитой томонига маҳсулот реализация қилинганидан олинган фойданинг 32 фоизи берилади.

Суратларда: 1. Дилором Қосимова термосларни намойиш этмоқда. 2. Қуритиш линиясида (чапдан) Муҳаббат Усмонова, технолог Сун Сну-Шан ва Гулнора Расулова.

Р. НУРИДДИНОВ суратлари (ЎзТАГ).

Вазият осойишта бўлиб турибди

Шу кунларда Бўка районида ва умуман Тошкент областида вазият нормал бўлиб турди. Область штаби районнинг ижтимоий-иқтисодий ва жамоат турмушидаги камчиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўрмоқда. Месхети турклари вақтинча жойлаштирилган ерларда иссиқ овқат, медицина, савдо ва маиший хизмат ташкил этилди.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг тергов группалари жамоат тартиби бузилиши фактлари ва бунинг сабабларини текширишни давом эттирмоқдалар.

Район ва областдаги вазият батамом назорат қилинмоқда.

• Воқеалар • Хабарлар • Шарҳлар — • Якшанба саҳифаси •

• Илтимосингизга кўра

ЖЎШҚИН МИСРАЛАР

«Тавалло тахаллусли шоир яшаган экан, деб эшитиб қолдим. Ана шу ижодкор ҳақида маълумот берсангиз.

А. АБДУМАЛИКОВ,
Улуғ Ватан урушн қатнашчиси».

Улуғ инқилоб арафасида адабий ҳаракат мактабининг йирик ва етук намояндаси бўлган шоир Таваллонинг ижоди ўз даври учун маърифий ва тарбиявий аҳамият касб этганди. Адибимиз Ойбек «Болалик хотиралари» қиссасида шоир Тавалло ижоди билан илк бор танишувдан олган чуқур таассуротларини эслайди.

Ҳажвлари оддий халқ орасида кенг тарқалган Тўлаган Хўжамёров Тавалло 1872 йилда Тошкентнинг «Кўкча» даҳаси (ҳозирги Владимир маҳалласи)да туғилди. Яхши тарбия олди. Ёшлигидан хусусий мутолаага берилди. Мадрасада ўқиб юрган вақтларидаёқ бадиий адабиётга зўр ҳавас билан қаради. Ўзбек ва форс адабиёти классикларининг ижодини чуқур ўрганди. Шунингдек, у араб, форс, турк ва озарбайжон тилларини ўрганди. Ўзи «Тавалло» тахаллуси билан шеърлар ёза бошлади. 1900 йиллардан бошлаб унинг шеърлари «Туркистон вилоятининг газети», кейинроқ «Тараққий», «Шуҳрат», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» каби газеталарда ва «Ойна» журналида мунтазам суратда чиқиб турди. 1913 йилда ўз шеърларини тўплаб «Баёз» шаклида, шунингдек 1914 йилда «Сабзазор», 1917 йилда «Равноқи ислом» мажмуаларини нашр эттирди.

У ўзининг 1910—1917 йилларда ёзган шеърларида камбағал табақанинг оғир ва аянчли аҳволини, уларнинг чекаётган машаққатини аниқ ва ҳаққоний чизади: маҳаллий бойларнинг виждонсизликлари, фисқу фужур ва маънавий разолатларини беомон фош этади, очиқ ва аччиқ танқид қилади.

Халқ фарзандларини ўқиб, билимли бўлиб, эл кўзини бидъат ғуборидан тозалашга, одамлар қалбини хурофот пардасидан халос этишга даъват этди. Тавалло ўз даврининг илғор фикрли тараққийпарвар зиёлиси сифатида, рус фани ва маданиятини, тили ва адабиётини қунт билан ўрганиб, шу интилиш воситасида жаҳон фани ва маданиятидан баҳраманд бўлиш мумкинлигини алоҳида эҳтирос билан ташвиқ ва тарғиб этди.

Шоир қатор шеърларида маҳаллий халқ ҳаётида ҳукмрон бўлган қолоқлик, жаҳолат, бидъат ва хурофотнинг реал манзарасини таъсирли, ишонарли тасвирлар экан, бу аянчли турмуш йўсинини илғор рус ва Европа халқлари маданияти билан таққослаш воситасида одий одамларнинг, айниқса, ёшларнинг «кўзини очишга», «ғафлат ва бидъат уйқусидан» уйғотишга жаҳду жадал қилди.

Шоир элу юрт тақдиридаги аянчли манзараларни танқид қилар экан, унинг социал сабаблари ва илдизларини англашга, тушунтиришга ҳаракат қилади.

Жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, меҳнаткаш омманинг оғир аҳволи ҳақида куюниб сўзлар экан, эл меҳнати эвазига айшу ишратга ғарқ бўлиб кетган ҳоким табақанинг разолат, пасткашлик, беҳаёлик, риёкорлигини ҳаққоний фош этади. Шоирнинг «Қаҳатчилик» ҳажвиясида бу ҳолат аён кўзга ташланади.

Ўз ижоди билан эзилган оммага хайрихоҳ бўлган Тавалло Октябрь революциясини қизғин кутиб олди. Турли соҳаларда актив фаолият кўрсатди. Даврдаги жанговар воқеаларга бетараф бўлиб қололмади. Ўз ижодини совет тузуми ва ғолиб меҳнаткаш халқ манфаати хизматига қўйди. У вақтли матбуотда, айниқса «Муштум» журналида «Мағзава» тахаллуси билан қатнашиб турди. Унинг ҳажвлари пояма-поя чуқур сиёсий-ғоявий мундарижа касб эта бориб, тематик жиҳатдан даврнинг муҳим ижтимоий, маърифий ва маданий, инқилобий масалаларига бағишланди.

Қатор ҳажвларида шоир ўтмиш иллатлари — бидъат, хурофот, жаҳолатни аёвсиз фош этди. Янги тузум ва порлоқ истиқбол сари интилаётган халқ ҳаракатига тўсқинлик қилишга уринаётган қулоқлар, душман унсурлар, руҳонийлар ва шу каби ғаламисларнинг кирдикорларини ҳажвнинг тиғи билан тилка-пора қилиб ташлади.

1917 йилдаги қаҳатчилик вақтида оч-яланғоч элнинг аҳволини енгиллаштиришда елиб-югурди. 1918 йилда Коммунистик партия сафига кириб, бир неча йил давомида Тошкент эски шаҳар фавқулодда комиссиясига бошчилик қилди. Инқилоб душманларининг фитналарини фош этиб, хуружларини бостиришда актив қатнашди. Янги иқтисодий-сиёсий даврда эса Тошкент шаҳар матлубот кооперациясининг ташкилотчиларидан бири сифатида фаол иш олиб боради. Давлат ва жамоатчилик ишлари билан ёндош тарзда адабий-ижодий меҳнатини ҳам давом эттирди.

М. ЗОКИРОВ,
филология фанлари номзоди.

Ҳаким ал Термизий мақбараси

Сурхондарё областидаги Ҳаким ал Термизий мақбараси эшиги олдидаги тўсиқ олиб ташланди. Ўрта аср мусулмон ёдгорлиги, художўйларнинг зиёратгоҳи бўлган бу жойга энди бемалол кираверишмумкин.

Чегарада жойлашганлиги учун мақбарага бориш йўллари тўсиб қўйилган эди. Маҳаллий маъмурлар ва чегарачиларнинг қарорига биноан меъморий ёдгорлик эшиклари ҳамма учун очиб қўйилди. Бу ҳақда «Ленинское знамя» область рўзномаси хабар қилди.

Мазкур ёдгорлик инсонпарвар олим, тарих, астрономия, жўғрофия ва табобатга оид бир қанча асарлар муаллифи ал Термизий IX асрда дафн этилган жойда бир неча аср лар давомида қурилган эди.

Шаҳрисабз хазиналари

Тошкент дорилфунунининг Шаҳрисабзга борган археология экспедицияси ер остида беш асрдан кўпроқ ётган шиша идишларни топди. Афтидан, бу идишлардан бир вақтлар дори тайёрловчи ёки кимёгар фойдаланган.

Археологлар шу жойнинг ўзида сопол ва металл буюмлар, қадимий тангалар хазинасини топдилар. Бу ерда қазилма ишларини давом эттириш режалаштириляпти.

(ЎзТАГ мухбири).

БАҲОР

Юрагимда ширин бир
туйғу,
Кўзларимга бермайди
уйқу.
Табиатда не ўзгариш бор,
Барисига сабабчи баҳор.
Барчага гул улашиб
кўклам,
Унутмабди қуруқ шохни
ҳам.
Бу яшиллик тантанасидир,
Бу яхшилик тантанасидир!

М. ЮСУПОВА.

• Табаррук одамлар

ЮЗДАН ОШГАН МОМО

Бир йўловчи кетаётиб, дарвоза олдида йиғлаб ўтирган оппоқ соқолли кишига кўзи тушибди.

Ҳа, отахон, нима бўлди?

—Отам, мени қойиди.

Йўловчи таажжубланди. Чолнинг ўзи етмишни қоралаган кўринади, отаси неча ёшда экан, деб ўйлабди. Қизиқиб, уйига кирибди. Ҳақиқатан ҳовлидаги сўри тагида 90 дан ошган нуроний қария ёнбошлаганча, чой ҳўпларди.

— Отахон, негадир ўғлингиз ранжиган кўринади? — дебди йўловчи салом-аликдан кейин.

— Бобосининг гапини икки қилган, — дебди қария зарда аралаш.

Йўловчи яна ҳайратланибди. Кейин билса, отаси 120 ёшда бўлиб, невараси унинг айтганини қилмагани учун ўғлини қойиган экан....

Бу, бир ривоят. Лекин ҳаётда ҳам шундай воқеаларга дуч келиш мумкин экан. Гурлан районидаги «Коммуна» колхозида бўлсангиз, бунинг шоҳиди бўласиз. Оймонжон момо Матназарова 105 ёшда. Катта ўғли Отажон 81 га кирган. Бош невараси Отахон ака 50 ёшдан ошди. Тўй-томоша ўтказишдан аввал фарзанд ва неваралар ҳануз момо билан баслаҳат иш қилишади.

Оймонжон момо кўп нарсани кўрди. Ўтган аср охири-ю янгиси бошлангандаги турмушни ҳам, инқилобдан кейинги долғали йилларни ҳам яхши эслайди. Колхозга аъзо бўлиб киришганини, қишлоққа биринчи трактор келганини ҳам мароқ билан сўзлайди. 30-йиллар бошида турмуш ўртоғи вафот этди. Болаларини катта қилди. Уруш даври азобларини кўрди. Мана шундан буён тинч замон шоҳиди. У ўз ҳаётидан, фарзандлари камолидан минг рози. Уч ўғли, 90 невара ва чевараси бор.

— Узоқ умр кўришингизнинг сири нимада? — сўраймиз момодан.

— Меҳнатдан қочмаслиг-у, кўнгил хотиржамлигида, — дейди у.

Бир воқеани гапириб беришди: фарзандлари уйи яқинидаги даладан пудратга ер олишди. Ўтган йили кузда ҳосилни теришда Оймонжон момо ҳам уларга ёрдам берибди. Кунлик терган пахтаси 20 килограммгача етибди. Рости, бунга ишонқирамадик. Момо билан суҳбатлашгач, унинг ҳозир ҳам ҳассасиз юриши, яхши кўриши, хотираси кучлилигини кўргач, шубҳага ўрин қолмади. Яна момони шу пайтгача касалликларга чап бериб келаётгани қизиқ. Феъли ҳам майин: очиқ кўнгил, гина-кудуратни билмайди. Болажон.

— Бугун онанинг қон босимини ўлчаб кўрдим, — дейди қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири З. Ниёзметова — 80 га 120. Худди спортчиларникидай. Соғлиғи ҳам, гаплашиши ҳам яхши. 100 ёшдан кейин тишлари янгитдан чиқа бошлади. Таомни унча танлаб ўтирмайди, кўпроқ қуюқ овқатларни хуш кўради.

Яқинда момоникига фарзанд ва неваралари йиғилишди. Оддий кун тўйга айланаёзди.

— Хўжалигимизда 80 ёшдан ошган 15 киши бор, — дейди «Коммуна» колхози раиси А. Вафоев. — Уларнинг 13 нафари аёллар, қолгани эркаклар. Шунинг ўзиёқ биз эркакларнинг қанчалик кам ҳаракат эканимиздан далолат. Яна бир гап: 7 минг кишилик аҳолиси бўлган колхозимизда атиги 15 одамнинг 80 ёшдан ўтганлиги қувонарли эмас. Бу, Оролбўйи регионида жойлашган хўжалигимизда яшаётган кишиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ,узоқ яшашларини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни тезроқ ҳал қилиш зарурлигини кўрсатади.

«Коммуна» колхози районнинг кўп тармоқли хўжаликларидан. Шу боис, раиснинг мулоҳазалари ҳам кишини ўйлантиради. Бошқа жойлардаги аҳвол нисбатан яхши эмас. Шунинг учунми, Хоразм воҳасида 1 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилса-да, уларнинг атиги 9292 нафари 80 ёшдан ошган.

Ҳа, узоқ умр кўриш кўп нарса билан боғлиқ. Қани энди ҳамюртларимизнинг кўпчилиги худди Оймонжон момо каби 80 дан сакраб, 90 билан тўқнашиб, 100 билан юзлашиб умр кўришса.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Мўъжизасиз-мўъжиза

Моҳиранинг хислати

«Совет Ўзбекистони» газетасида қизим Клара ва неварам Нилуфар ҳақида «Оҳанраболи одам» сарлавҳали мақола эълон қилингандан кейин имконият-у қобилиятимиздан кўпроқ фойдаланиш учун катта йўл очилди. Ёрдамга муҳтож беморларга сидқидилдан кўмаклашмоқдамиз. Кўпчилик мамнун. Таклиф ва истаклар китоби илиқ сўзлар билан тўлмоқда. Айниқса, хира кўзларнинг равшан тортиши, буйракдаги тошнинг тушиши ажабтовур бўлди».

Бу хоразмлик она-бола экстрасенс фазилати ҳақида отаси Мадамин Жуманиёзовнинг миннатдорчилик мактуби. Бундай хатлар республикамизнинг турли шаҳарларидан ҳам келиб турибди. Шу боисдан бугун ана шундай хислат эгаларидан бири ҳақида ҳикоя қиламиз.

Моҳира Абдуазимова эндигина 14 баҳорни қаршилаяпти. У Тошкентдаги Собир Раҳимов район, 24-ўрта мактабнинг 8-синфида ўқийди. Отаси Тоир аканинг ҳикоясига қараганда, қизи ёшлигиданоқ фарзандлари орасида «қўли енгил»лиги билан ажралиб турган. Оилада бирор кишининг боши оғриб қолса, фақат Моҳира босиб қўйсагина фориғ бўлган.

Қизнинг қўлларида биоток борлигини ҳеч ким билмаган. Кейинги йиллар мобайнида унинг боши оғрийдиган бўлди. Ўқиш-ёзишда қийналди. Шифохонада даволанди, аммо нафи камроқ эди. У билан муомалада бўлган кишилар ўзларини ток ургандек ҳис этишлари маълум бўлди. 16-шаҳар клиник касалхонасига боришга тўғри келди. Унинг ҳар иккала қўлида биоток борлиги аниқланди. Врачлар тажрибали невропотологларга мурожаат этишни тавсия қилишди. Зарур йўл-йўриқлар бўлмади. Бу орада Моҳира баъзи кишиларга сеанс бериб кўрди. Ўқитувчиси Клара Эшонқулованинг оғриқ қўли даво топди. Яна бир қанча қариндош-уруғлари ҳам унинг хислатидан баҳраманд бўлишди. Қўл-оёқ, бош оғриқлари, ошқозон хасталигига чалинган беморлар Моҳиранинг қабулидан» мамнун бўлдилар.

Яқинда инсульт туфайли қўл-оёғи ишламай қолган, сўзлари дудуқ беморнинг шифо топиб, мусаффо бўлгани кўпчиликни ҳайратга солди. Қизнинг чап қўлидаги биоток ўнгдагисига қараганда кучлироқ. У кунига 7—8 марта сеанс бериб турмаса, ўзини ёмон ҳис этади, бадани қизиб, боши оғрийди.

Яқинда Моҳира Тошкентдаги экстрасенслар жамиятида бўлди. Мутахассислар ундаги биотокнинг кучли эканлигини аниқлаб, кундалик сеансни ўнтадан оширмасликни тавсия этишди. Шундай қилиб, Моҳира Абдуазимова одамларга шифо бериш хислати бор кишилар сафига қўшилди.

Э. ҒУЛОМОВ.

Суратда: Моҳира Абдуазимова ўз маҳоратини намойиш этмоқда.

Р. ҒАВРИЛОВ сурати.

Колхозчилар қулоғига

(Агар қулоқларн бўлса)
Бир идора ўлмаса биз розимиз,
Бўлса ҳам ул ўргилай колхозимиз,
Қишда ботқоқ-лой, орқадин сув тошиб,
Ёзда сув йўқ, чангда ўтгай ёзимиз.
Қайрилиб боқмас, магар кўрмн кўзи,
Вой, хирриллаб қолди-ку овозимиз.
«Ташвликдан дод» деб бўлди касал,
Ўлди ўрдак, қолди қақшаб ғозимиз.
Ёзда ухла, қишда ишла, кун олис,
Сенга ортгай иззату эъзозимиз.
Иш биларманлар кўпайтир, ишқилиб,
Садқа бўлсун бизни кўпу озимиз.
Ғўнгу ахлатларни тўпла кўчага,
Шунда дермиз: «Ўлмасин, шоввозимиз!»
Майли, катта кўчаларга сепма сув,
Чангда ўлсун қанча серпардозимиз.
Чиқса жаҳлинг тишла бурнингни тамом,
Бўлма диққат, чунки бу бир нозимиз.
Тўғри сўзлар ёзгувчи бу Мағзава,
Бир ўқиб кўрсин-чи, колхоз, розимиз.

Яқинда жа-жа-жакдир

Ер юзини «шоир» босиб кетажакдир,
Ҳар кишига «бир бош шоир» тегажакдир.

Ул «шоирлар» бир миригa тўрт юз грамм,
Бир нафасда шеър ёзиб беражакдир.

Баланд-пастлик жойларда қийналмангиз,
Уқиб бермоқ учун ўзи келажакдир.

Илҳом келиб турса унга ҳар томондан,
Бир тўп қоғоз бир нафасда битажакдир.

Лайлак топган афандидай расво қилиб,
Оёқ тумшуқларин буткул кесажакдир.

Тез хотирлик жўшга келиб, тошиб кетиб,
Тегирмонга бориб, тоғда юражакдир.

Мусобақа эълон қилса «Муштум» агар,
Ҳар ким сўзин шеър билан этажакдир.

ТАВАЛЛО.

ТАКЛИФ ВА ИСТАК

ОДОБ САБОҒИ ЎТИЛСА

Кейинги пайтда партия ва ҳукуматимиз халқимиз фаровонлиги йўлида анчагина ишларни амалга оширяпти. Бундан мамнунмиз. Лекин, бола тарбияси билан машғул бўлиб, иш станкига эга бўлмай қолган уй бекаларига эътибор кучайтирилса, деган таклифим бор. Уларга пенсия тайинлаш хусусида бир тўхтамга келиш керак, менимча.

Мен шу мазмунда СССР халқ депутатлари II съездига ҳам мактуб йўллаган эдим. Ҳозирча жавоб олганим йўқ. Биринчи съездга ҳам ўз таклифларимни ёзиб юборган эдим. Яъни, кейинги пайтда одобсизлик, ахлоқсизлик, жиноятчилик авж олиб кетди. Шу сабабли боғчадан тортиб, мактабларгача, институтлардан тортиб, ҳатто катталар ўртасида одоб сабоғи ўтилса, деган таклиф киритгандим. Бу ҳатимга жавоб келди. Узбекистон ССР Халқ таълими министрлигига шу масала юзасидан лойиҳа тайёрлаш топшириғи берилибди. Таклиф истагим рўёбга чиқса ажабмас.

С. АБДУЛЛАЕВ,
уруш ва меҳнат ветерани.
Тошкент шаҳри.

БИР ЎЙЛАБ КЎРИШСИН

Ота-боболаримиз асрлар бўйи ичимлик сувининг тозалигига риоя қилиб келганлар. Бугунги кунда бу оби ҳаётнинг ифлосланиши, ортиқча шўрланишининг олдини олиш давлат ва халқ назоратидаги ишдир. Орол денгизи суви намайиб бораётгани Хоразм вилояти заҳматкаш деҳқонлари аҳволининг, экологиянинг ёмонлашишига, ичимлик сувига салбий таъсир этди.

Шовот районидаги «Коммунизм» колхозида ичимлик сувидан фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида 1982—1983 йилларда водопровод қувурлари ётқизилган эди. Йиллар ўтиб бораётир, лекин водопровод сувидан ҳозиргача дарак йўқ. Турли йиғинларда бу масала қайта-қайта кўтарилса-да, ҳал бўлмаётир. Болаларимиз шўрлаган сув ичиб, турли касалликларга чалинмоқда. Бу ҳаҳда районимиз, қолаверса областимиз раҳбарлари бир ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди. Хўжалигимизнинг «Қизил Шарқ» участкасидаги 8-йиллик мактабда на ичимлик сув, на табиий газ бор. Шуни келажагимиз бўлмиш болаларга муносабат?!

Ҳурматли редакция, бу муаммоларни ҳал этишда бизга кўмаклашишингизни илтимос қиламиз.

У. ТОҲИРОВ,
Шовот районидаги «Бунёдкор» мактаби отаоналар комитети номидан.

● Шоир илҳоми
● Узоқ умр сири
● Ғайритабиий фазилат.
● Дона суриш баҳсида
● Дил сўзлари

СПОРТ СПОРТ СПОРТ — СПОРТ СПОРТ СПОРТ — СПОРТ СПОРТ СПОРТ — СПОРТ СПОРТ СПОРТ — СПОРТ СПОРТ СПОРТ

• *Шахмат бурчаги*

НАЗАРИЙ БИЛИМ — ЗАРУРАТ

Квадрат қоидасини яхши ўрганиб ва ўзлаштириб олиш керак. Чунки, бунинг аҳамияти бор. Бу қонда кўп вақт мураккаброқ вазиятларда ҳам ёрдамга келади.



Бу ерда оқлар 1. Л: b6+Ф: b6. 2.Ф:f6+Крс5 (с7) дан кейин эндшпилга ўтса, фарзинларни алмаштириш-алмаштирмасликдан қатъи назар, натижа мажбурий дуранг билан тугайди. Борди-ю оқлар бу ғоянн бошқача амалга оширса, ғалаба қозонади: 1. Ф:f6+! Ф: f6. 2. Л:b6+Крe5 (e7) 3. Л:f6 Кр:f6 4. b6, ва қора шох пиёда квадратидан ташқарида.



Бу позицияда саргузаштли воқеалар кечадигандек кўринади — шоҳлар ялангликда сайр қилиб юрибди-да. Бироқ 42. Ф: e6! ўйналиши билан қоралар таслим бўлди. (Т. Петросян — М. Тайманов, Москва, 1957). Маълум бўлишича, 42... fe 43. Лd1! Л:d1. 44. Кр:d1 дан кейин ҳамма нарса оддийгина тугар экан: оқ шоҳ истаган рақиб пиёдасининг квадратида, қора шоҳ эса «а» пиёдасига қарши ҳеч нарса қилолмайди.



А. Шероннинг бу машқий мисоли ибратли бўлиб, йўли очиқ пиёдалар ҳақидаги тасаввурнимизни оширади. а6 ва b5 даги қўшалоқ оқ пиёдалар бир-бирини ҳимоялашга ҳозир, бинобарин, қора шоҳ а7 ва b6 хоналарига юриб, фақатгина пассив ҳолда уларни қимирлатмай туришга мажбур. Хўш, тарқоқ қора пиёдаларнинг аҳволи нима кечаркин! Улар ўзларини ҳимоя қила олишармикан! Афсуски, уларнинг аҳволи [юриш кимданлигидан қатъи назар] жудаям ҳунук. Масалан: 1. Крh4! e4 2. Крg3! Лекин 2. Кр:h5! дан кейин оқ шоҳ «е» пиёдасини тўхтатишга улгурмасди. 2... Кра7. Агар 2... h4+ бўлса, 3... Кр:h4 e3 4. Крg3, ва оқ шоҳ пиёданинг квадратида. 3. Крf4 h4 4. Кр:e4 h3 5. Крf3 ва«h» пиёдаси ҳам кетади, сўнгра оқ шоҳ пиёдаларига кўмаклашиш учун йўл олиб, улардан бирини фарзинга чиқаради. Дастлабки позицияда юриш қоралардан бўлса ҳам натижа ўзгармайди. Буни ўзингиз текшириб кўринг.

Агар 3-диаграммадаги қора пиёдани e5 хонасидан f5 хонаскга олиб қўйилса, натижа ўзгаради: битта вертикал ажратиб турган қора пиёдалар бир-бирини ҳимоялаш қобилиятига эга бўлиб қолди. Текшириб кўрайлик: 1. Крh4 f4 2. Кр h3. Мажбурий чекиниш, чунки 2. Кр:h5 f3 бўлганда, «f» пиёдасига етиб бўлмасди. 2... Кра7 3. Крg2 h4! 4. Крf3. Бошқа томондан яқинлашишга урниниш ҳам муваффақият келтирмайди.

4... h3! 5. Крf2 Крb6 6. Крf3! Бу ерда 6. Крg1! чекиниши 6... f3! дан сўнг энди ютқизишга олиб борарди — оқлар цугцвангда: 7. Крh2 [h3] f2. ёки 7. Крf2 [f1] h2 ва ҳоказо 6. Кра7. Ўз навбатида қоралар ҳам фаол ўйнолмайди. 6...h2!! 7.Крg2 ва иккала пиёда ҳам кетади. 7... f3+8. Кр:h2 f2. 9. Крg2.

7. Крf2 Крb6. Дуранг, юришлар такрорланаверади.

«Оддий позициялар, — дейди жаҳон экс-чемпиони В. Смислов, — тажрибасиз шахматчига ҳар бир дона нимага қодир эканини тушунтирибгина қолмай, балки чуқур «ҳис этиш» имкониятини ҳам беради».

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

● ФУТБОЛ:

ТОР ДОИРАДА

Грузияда футбол мусобақалари фақат республика доирасида, иттифоқ миқёсидаги баҳсларга дахлсиз ҳолда ташкил этилиши билан боғлиқ мунозарали баҳслар бўйича бир қарорга келинди. 21 февраль куни Грузия ССР футбол федерацияси раҳбарлари, спорт мутахассислари, жамоат ташкилотлари ва норасмий бирлашмаларнинг вакиллари ўртасида учрашув бўлди. Йиғилишда грузин футболчилари СССР чемпионати ва кубоги учун учрашувларда иштирок этмайди, деган қарорга келинди. Тор доирада тўп ўйнаш самарали кечармикан? Ўйлаймизки, буни вақт кўрсатади.

● ИШҚИБОЗЛАР БАҲСИ

АНЪАНАГА АЙЛАНАДИ

Қашқадарёлик кўпгина футбол мухлисларига омад кулиб боқди. Улар Косон шаҳрида ўтказилган касаба союзлари физкультура-спорт кўнгилли жамияти область Советининг чемпионатида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар.

Ушбу кўрикда қўриқ ўлканинг барча регионларидан 10 та команда иштирок этди. Финалга яккабоғликлар билан майдон эгалари чиқишди. Унда Косонлик футбол ишқибозлари ғалаба қозонишди.

Бу мусобақалар анъанага айланади.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Саҳнада «Абул Файзхон»

Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область музикали драма театри ижодий коллективи яна бир тарихий асарга қўл урди:

Фитратнинг «Абул Файзхон» асарининг саҳна талқинини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Асарни театрнинг бош режиссёри Баҳодир Назаров саҳнага қўйган. Безакларни республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Садриддин Салимов танлаган. Бош ролларни Узбекистон ССР халқ артистлари — Муҳтарама Носирова билан Омон Беганжиев, республикада хизмат кўрсатган артист Ҳусан Амирқулов, артистлардан Йўлдошали Раҳимов билан Баҳриддин Раҳмонов ва бошқалар ижро этишмоқда.

Қаршини ўрганиш

Қарши шаҳар партия комитети ҳузурида Қашқадарё область маркази тарихини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

Унга олимлар, партия, совет ходимлари, журналистлар ва шаҳар тарихидан хабардор кексалар киритилган. Ишчи гуруҳига Қарши давлат педагогика институти профессори, тарих фанлари доктори А. Мавлонов раҳбарлик қилмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 03130. № 48. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12